

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 90-91 (6930-6931)
1998 йил 17 ноябрь, сешанба

Сотувда эркин
нархда

КУЗ

Япроқлар — дил хати, дарахтлар —
хаттот

Яшил сиёҳдони бу кун бўшаган.

Ёзишни ҳеч қанда қилмайин хатто,
Тилла мактубларин ерга тўшаган.

Кимгадир аталган тилла мактублар,
Кимнингдир келишин кутади
зор-зор.

Ё дарахт қаргиши эканми булар,
Барига сабабчи дегандай баҳор.

Бу ҳаёт қонуни, бу — такрорий ҳол,
Бу — миллион йиллардан қолган
ақида.

Оқ-соқол чинору маҳзун мажнунтол,
Шивирлаб сўзлашар ўтмиш ҳақида.

Тоғдаги майсалар бош кўйиб тошга,
Тушида энтикиб, баҳорни кўрган.
Маънос нигоҳини ташлаб кўёшга,
Куз ўйчан тикилиб, ҳаёлин сурган...

Жаҳонгир ФОЗИЛ



ТУРОННИНГ ҚИРҚ МЎЪЖИЗАСИ

Яқинда Акмал Икромов туманидаги 295-таянч мактабида «Туроннинг қирқ мўъжизаси» деб номланган экология кечаси бўлиб ўтди. Республика ёшларининг «Биоэкосан» ўқув услубий мажмуаси билан ҳамкорликда ўтган экология кечасида мактабнинг «Фидойилар» клуби аъзолари фаол иштирок этишди. Клуб аъзоларидан Нилуфар Гадоева, Алпомиш Исроилов, Райҳона Мухсинова, Лобар Иноятова, Дилноза Сайдуакасова, Беҳзод Азимовлар қадим Турон заминиде яшаган ва яшаб келаётган жониворлар, ўсимликлар, шифобахш булоқлар ҳақида мароқли ҳикоялар, ривоятлар, афсоналар сўзлаб беришди. Улар динозаврлар ҳаёти, Турон йўлбарсларининг ҳаёти, силовсин, айниқ ва шуларга ўхшаш ҳайвонларнинг тақдири, ундан ташқари ўсимликларнинг шифобахш хусусиятлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

«Фидойилар» шу кунларда — «Ўзбеккино» Давлат-акционерлик компанияси суратга олган «Отандан қолган далалар» фильмининг муҳокамасига қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Лазокат САИДОВА,
Тошкент шаҳридаги
295-мактабнинг
биология ўқитувчиси.

Обуна-99

Куз келиб, ҳаво анча салқин бўлиб қолди. Деҳқон бобо эрта баҳорда бошлаган ишини кеч кузда тугатади. Балки шунинг учун ҳам кузни баракали фасл дейишар. Бозорлар кузги неъматлар билан тулган. Далаларда иш қизгин. Худди гудакни парвариш қилгандек катта қилинган пахта терими ҳам тугай деб қолди. Пахта даласини айланиб юрар эканман, катта йул чеккасида юрган 2 та болага кузим тушди. Улар ерга эгилишиб алланималар қилишарди. Яқинлашиб қарасам, қулларида пахта! Уларни суҳбатта тортидим.

— Болалар, сизлар билан танишмоқчиман. Исмингиз нима?

— Менинг исмим Жаҳонгир, бу эса Отабек.

— Ҳозир кузги таътилдасизлар-а?

— Таътилдамиз. Аммо меҳнат таътили булмайди бизда, — деди Отабек. Пахта терими бошланди, дегандан бизни пахта даласидан топасиз. Чунки, мактабимиз пахта даласига яқин, юқори синфларнинг барчасини пахта теримига олиб кетишади. Совуқ тушиб кетса, пахта нобуд бўлади-да, — деди Жаҳонгир.

— Бу пахталарни нима қиласизлар? — дедим уларнинг қопларига ишора қилиб.

— Булар «тележка»лардан тукилиб қолган. Қаранг, йул чеккасида тупроққа қоришиб ётибди. Ёмгир егса, ҳул бўлиб, лойга

қушилиб кетади. Биз бу пахталарни йиғиб, махсус қутиларга соламиз. Улар симёғочларга қоқилган. Кейин уларни яна ўз манзилига етказишади.

— Мактабда ўқишларингиз қалай?

— Яхши. Инглиз тилини жуда яхши кўраман. Келгусида дипломат бўлмоқчиман, — деди Жаҳонгир.

Отабек эса келгусида бизнесмен бўлмоқчи экан.

— Сизларга яна бир савол: «Тонг юлдузи» нини ўқийсизларми?

Уларнинг югурди.

— Албатта. Синфимизда ҳамма ўқувчилар уни қизиқиб ўқишади. Бу йил ҳамма синфлардан олдин обуна бўлиб қўйдик. Пулини пахта териб топдик.

— Демак, биз билан яна бир йил бирга бўларкансизлар-да!

— Ҳа, чунки «Тонг юлдузи» бизнинг доимий ҳамроҳимиз. У бизга туғри йулдан боришимизни ургатади.

Жаҳонгир ва Отабекка туғри йулдан кетаётганингиз исрофгарчиликка қарши эканлигингиздан узгалар меҳнатини қадрлашингиздан ҳам билиниб турибди, деб шивирладим. Улар сизимни эшитишмади. Аммо эшитган гаплари улар ўқитган 27-урта мактаб мураббийларига раҳматим эди. Ахир, устозлар уюштиради-да обунани. Ўз ўқувчиларини ўз газетасини ўқишга ундайдиганлар ҳам улар.

Озода ТУРСУНБОЕВА.

Ўқувчиларнинг кузги таътил кунларида ўсмирлардан ташкил топган футбол командалари Марғилон шаҳрида бўлиб ўтган беллашувларда муваффақиятли иштирок этишди. Айниқса, «Марғилон», «Атласчи», «Дустлик», «Ёшлик» командаларининг саралаш синовларида «Пахтакор-1» командаси биринчи, Марғилоннинг «Атласчи» командаси иккинчи ва «Пахтакор-2» командаси фахрли учинчи ўринларни эгаллашди.

Ҳа, «Пахтакор» ўсмирлар гуруҳи икки йилдир-

ки, Дилмурод ака Нурматов бошчилигида турли мусобақаларда голиб чиқиб, пешқадамликни қўлдан бермаяпти. Турнирда энг яхши тўпурар Шамсиддин Умаров, энг яхши ҳимоячи Рустам Билолов, энг яхши дарвозабон эса Сардор Маҳқамовлардир. Уларга соат ва бошқа эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, барча турнир иштирокчиларига ҳам ҳомийлар ўз совға-саломларини улашдилар.

Лазиз САЙДИРАСУЛОВ,
Юнусобод тумани,
150-мактаб ўқувчиси.

РАҲМАТ, УСТОЗЛАР!

ТўПУРАРГА СОАТ, ДАРВОЗАБОНГА...



МУАЛЛИМАНИНГ ВАЪДАСИ

Утган йили муаллима опам барча уртокларимга портфель борган эди. Ичида-чи, ҳамма нарса бор экан. Қаламдондан тортиб, қалам йунгичгача. Елими-чи, худди опамнинг лаб буюғига ухшайди. Фақат унинг ранги опамникидек қизил эмас, оқ экан. Ушанда муаллима опамнинг совғаси менга етмай қолган эди. «Сенга келгуси йилда берамиз», деган эдилар. Мана, ҳалигача совға олганим йўқ. Қачон беришар экан-а?...

ИЛХОМ
Хоразм вилояти,
Янгибозор тумани
30-мактаб.

ДАДАМ БИЗНИ УРАДИ

Дадам мени ҳам, укаларимни ҳам аямасдан уради. Айниқса, бир укамни ҳар куни қийнайди. Унга уқишни ва ёзишни ургатапти-да. Агар ёзув чизигидан сал тушиб кетса, қулларини стол устига қуйиб, мушти билан қаттиқ уради. Ахир у ҳали мактабга бормаган-ку! Қандай қилиб турги ёза олади? Умуман, уйимизда «гинг» этган товуш булмайди, (чунки дадам ишламайди-да! Кун буйи уйда утиради).

Хатто икки яшар синглим ҳам ҳархаша қилмайди. Мен бу яқин орада укаларимнинг бирон марта кулганини курган эмасман. Улар доим титраб-қақшаб бурчакка тикилиб утиришади.

АЗИМЖОН
Тошкент шаҳри,
Яккасарой тумани



ШАҲАРГА БОРГИМ КЕЛАДИ

Мен умримда бир мартагина шаҳарга, унда ҳам узимизнинг туман марказидаги шаҳарчага борганман. Ушанда опам менга муқаймоқ олиб берган эди. Муқаймоқнинг таъми ҳали ҳам оғзимдан кетгани йўқ. Мен шаҳарга боришни жуда-жуда истайман.

Зумрад БЕКИММатова,
Хоразм вилояти,
Гурлан тумани

МЕН УҒРИ ЭМАСМАН

Бир куни синфимиздаги К. исмли қизнинг 100 сум пули йўқолиб қолди. Сунгра менинг яқин дугонаминг таклифига биноан уша заҳоти ҳаммамнинг портфеллари



тинтув қилина бошланди. Кутилмаганда яхлит 100 сумлик менинг портфелимдан чиқди. (Мен бор йўғи 10 сум пулим борлигини айтган эдим-да). Энди мен ҳаммамнинг назарида уғри булиб қолдим. Ахир уғирлик қилганим йўқ-ку! Мен уғри эмаслигимни синфдошларимга қандай исбот қилсам булади?

Умида ҚОСИМОВА
Сирдарё вилояти,
Меҳнатобод тумани.

УЙЛАНМА- СИНЛАР

Қадрдон газетам «Тонг юлдузи»! Сенга анчадан бери мактуб ёзмаман, дейман-у, ботина олмайман. Биз анча мушкул аҳволга тушиб қолдик. Биласанми, ҳеч кимнинг онаси ташлаб кетмасин экан. Ойимлар бундан бир неча йил олдин мени, дадамни, укамни ташлаб кетдилар. Энди қариндош-уруғларимиз дадажонимни уйлантириб қуйишмоқчи. Лекин, «янги ойи» миз дадажонимдан бизни бирор жойга олиб бориб ташлашларини айтибдилар. Биз эса дадажонимдан айрилишни асло ҳоҳламаймиз. Сендан бир илтимосим бор. Дадажонимга айт, «бошқа ойига» уйланмасинлар.

Шоҳида АЗИЗОВА,
Самарқанд вилояти,
Ургут тумани.

КИЧКИНА ЭМИШМАН

Муаллима опага жуда-жуда ҳавасим келади. Қулоғидаги балдоғи бирам чиройлики... Буйнидаги маржонларини айтмайсизми? Тунув куни, ойимга «менгаям шундай балдоқ оберинг.» ...деб турволдим. Ҳали кичкина эмишман. Улғайганимда, опамлардай муаллима булганимда олиб берарканлар. Эҳ-ҳе... ҳали унғача қанча бор...

Севара АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани.

АЙБ БИЗДАМИ?

Бизнинг мактабимизда чет тили фани ўқитилмайди. Эҳтимол, сен бизни чет тилини ёмон куради, деб уйларсан. Йўқ, биз ҳам турли халқларнинг тилларини билишни истаймиз. Ҳеч булмаганда битта халқнинг тилини. Бизнинг айбимиз битта. У ҳам булса, мактабизнинг туман марказидан олисда жоланганлиги. Шу сабабли ҳам мактабимизда чет тили фани ўқитувчиси етишмайди, аниқроғи, йўлнинг олислигидан муаллим амакилар ёки опаларнинг юраги бетламайди-да, мактабимизга келишга...

ШАҲНОЗА,
Хоразм вилояти, Янгибозор тумани, 16-мактаб.

ДИРЕКТОРНИНГ ҚУШНИСИ

Исломига маза... Нега дейсизми? Чунки у директорнинг қушнисиди. «Хуш, нима бупти?» деб уйлаётган булсангиз керак. Шош-

манг, ҳаммасини айтаман. Бизда тоза ичимлик суви анқонинг уруғи. Анқордан сув ичишга мажбур булаямиз. Анқор суви эса ифлос. Чунки, аҳоли турли чиқиндиларни уша анқорга чиқариб ташлайди. Директорнинг уйига тележкада тез-тез тоза сув келиб туради. Ушанда Исломлар пақирчаларини тулғазиб-тулғазиб олишади. Биз етиб келгунча сув тутаб қолади.

ШАВКАТ,
Сирдарё вилояти,
Ш. Рашидов тумани,
Файзулла Хўжаев давлат
хўжалиги.

СЕВГИ ЁШДА ЭМАС ...

«Севги ёшда эмас, бошда», деган мақолни эшитганмисиз? Булмаса эшитинг. Биз 4-синфда ўқимизга қарамасдан синфимиздаги бир қиз биздан бир синф юқори булган бир бола билан севишиб қолганмиш. Ҳалиги болачи, синфимиз эшиги олдига келиб, нуқул «Нозигим» деб чақиради. У қиз эса доим «Андиана» деб унинг олдига чошиб боради. Яна бир сирни айтмайми, яқинда уша «Андиана»чи бир уртоғига «Клара» га уйланаман деганмиш.

Наргиза ИБРОҲИМОВА,
Тошкент шаҳри.



ЗАМОНАВИЙ УҚУВЧИЛАР

Мактабимизда замонавий ўқувчилар жуда купайиб қолишган. Қандай дейсанми? Тугилган кунлар ёки байрамлар муносабати билан синфдош ўғил болалар ва қизлар тез-тез бир-бирининг уйларида тулланиб туришади. Дастурхонни худди катталарнинг базм дастурхонидай роса безатишади. Кока-кола дейсанми, ё банақуа. Хатто-чи, «ану»нинг оқи, қизилидан ҳам столнинг тагига яшириб қуйишади. Нега «яшириб»? деб уйлаётган булсанг керак. Ҳар эҳтимолга қарши эҳтиёт юзасидан шундай қилишса керак-да. Ахир бирорта ўқитувчи ташриф буюриб қолиши мумкин. Эҳ-ҳе, базмда нималар булмайди, дейсан. Айниқса, уртокларим ҳалиги... Чироқни учуриб тушиладиган рақс бор-у, «Черный танца» ми-ей? Ушани бирам куп гапиришадими, эшитиб, ансам қотади. Мен «қолоқ» ўқувчи эмишман. Чунки мен уларнинг бундай базмларида ҳеч қачон қатнашган эмасман. Наҳотки энди «Замонавий» ўқувчи була олмасам?..

Анвар ЧУЙБЕКОВ,
Сирдарё вилояти,
Меҳнатобод тумани.

Менинг исмим Бахтиёр. Гарчи бахтли булмасам-да, қачонлардир бахтли бўлишим мумкинлигини исмим эслатиб туради. Чунки мен яқиндагина дадам билан танишдим... Яхшиси, булган воқеани сизларга батафсил ёза қолай. Бу воқеа мен жуда ҳам кичиклигимда, атиги бир ёшга тулганимда юз берган экан. Дадам (агар уларни шундай аташ мумкин булса) ойимни ташлаб кетган эканлар.

Уларнинг юзлари оқариб кетган, негадир галати булиб қолган эди. У киши ойижонимдан кечирим сурар эдилар. Ойижоним эса шартга бурилдилар-у, тез-тез юриб кетдилар. Мен эса ҳеч нарса деёлмас, туғриси, бунга ботинолмас эдим. Уйга келгач, мен ойимдан у киши ким эканлигини сурадим. Шунда улар мени қучоқлаб йиглаб юбордилар.

ДАДАМНИ ЁМОН ҚУРАМАН...

Мен туғилишимдан аввал дадам деярли ҳар куни уйга ичиб келиб, ойижонимни дуппослар, кўчага ҳайдаб чиқариб юборар эканлар. Ойижоним қишнинг совуқ кунларида ҳам тонг отгунча кўчада утириб чиқар эканлар. Шундай булса-да, бировга бир оғиз гапирмаган эканлар. Дадам булса доим ойижонимни қийнарканлар. Мен туғилганимда дадам бирор марта ойижонимни, мени кўришга бормаган эканлар. Ойижоним туғруқхонадан чиққанларида дадам мени ҳатто қулларига ҳам олиб курмаган эканлар. Бир куни дадам уйимизга бир чиройли қизни олиб келиб, мен шунга уйланганман, сен эса уйни бушатиб қуйгин, деб ойижоним билан мени уйдан чиқариб юборган эканлар. Шунда ойижоним уларга ялиниб-ёлворган эканлар. Аммо улар виждонсизлик қилган эканлар. Шундай қилиб мен бувимнинг қулларида катта булибман. Ойижоним мени бошқалардан кам булмаслигим учун кичкина булишимга қарамай ишлаган эканлар. Мана, ҳозир 7-синфда ўқияпман. Ойижоним, ҳали ҳам ишлаяптлар.

Бир куни мен ойижоним билан бозорга бордик. У ердан менга, ойижонимга кийим-бош қилиб қайтиб келатганимизда бир киши келиб, бизни йулимизни тусди. Шунда мен ойижонимнинг юзларига қарадим.

Уғил бола булсам-да ойижонимни кўз ёш тўкишларига чидай олмай мен ҳам йиглаб юбордим. Шунда ойижоним менга қараб: — Уғлим, сени даданг шу киши буладилар, — дедилар. Биров устимдан совуқ сув қуйиб юборгандек булди. Шу вақтгача ойимдан дадам қаердалар, — деб ҳечам сурамаган, уларнинг қандай киши эканлигини тасаввуримга ҳам сиғдира олмаган эдим. Мен бир нарсага тушунолмай қолдим, нега дадамга биз энди керак булиб қолдик экан, мен катта йигит булиб қолганим учунми, ёки қийналиб кетганликлари учунми? Биласизми, ойижонимни шунчалар қийнаганликлари учун дадамни то уша кунгача курмаган булсам-да, улардан нафратланиб юрардим. Мен уларни ҳали ҳам ёмон қураман.

Бахтиёр САИДОВ
Бухоро вилояти.

Саҳифани Онажон ОДИЛХОНОВА тайёрлади.



ГУЛЮЗга дил дардини айтгани келган тенгдошингиз, аслида, шахсий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда кудук тубига қараб: «Искандарнинг шохи бор...» деб кўнглини бўшатиб кетади, холос. Илгари кафолот берганимиз ёдингизда бўлса керак: биз сирдошларимизнинг шахсий ҳаётини Швейцария халқаро банклариданги ҳисоб рақамлари каби кўз қорачиғидек авайлаб-асраймиз. Шу боис «ғилоф банд»сини ўқувчиларимизнинг талабларига кўра бетараф масканда юзлаштиришимиз мумкин. Бунда қарс икки қўлдан чиқиши керак.

— Гулюз, машхур шоиримиз Эркин ВОҲИДОВ бир вақтлар «Аччиқ ҳақиқат» номли газал ёзганлар. Шунақа газални бир умр ялов этиб яшашни истаيمان...Ўқиганмисиз?

— Эшитмаганман-у, лекин ўқиганман.

— Ўқиш бошқа, эшитиш бошқа. Лекин, бир-бирига халақит бермайди. Аксинча, тўлдирди, холос. Ҳозир икки мисрасини ўқиб берсам, газетангиз беш устунда чоп этилса, «синдириб» — худди «оқ шеър»га ўхшатиб териб чиқарасизлар.

— Айтаверинг, масъул котибамиз Муҳаббат опамиздан илтимос қиламиз, шу суҳбатимизни тўрт устунда тархлаштириб берадилар.

— Кошкийди! Лекин, ўтган сафар Шавкат РАҲМОНнинг гўзал шеърини ҳам ажи-бужи ҳолатда эълон қилибсизлар...

— Тўғри, шунақа бўлди.

— Фақат икки мисрасини ёддан айтаман, холос.

«Яхшидир аччиқ ҳақиқат, лекширин ёлгон ёмон,

Шу ширин ёлгонга, лекин алданиб қолган ёмон...»

— Эшитган эканман!

— Уни ҳамма эшитган. Айниқса, Шўро диктатураси қутурган йилларда жуда машхур бўлиб кетган эди. Менимча, миллатпарвар авлодни шунга ўхшаган шеърлар тарбиялайди.

— Эркин Воҳидов гўё ҳақиқат тимсоли бўлиб қолган. Дарвоқе, майор Аҳмаджон Иброҳимов яқинда биздан: «Эркин аканинг бир мартагина кўлини олиб кўйсам, сўрашсам, бу дунёда армоним қолмасди», деб қайта-қайта илтимос қилдилар. Биз атоқли шоиримиз билан кең даврада учрашувни режалаштириб турибмиз.

— Келишармикан? Ахир, у киши ниҳоятда банд бўлсалар керак?

— Ҳали бевосита мурожаат этганимиз йўқ. Ўзимиз ҳам истиҳола қилиб турибмиз... Эсингизда бўлса, бошқа бир машхур шоиримиз Абдулла Орипов бундан бир неча йил муқаддам, Бобур Мирзонинг 500 йиллик таваллуди муносабати билан ёзган шеърда: «Қолингиз Мирзо, мушфиқ элингизда бир шоир бўлиб»,

Мамлакатимиз ҳаётида чинакам ижтимоий ўзгаришлар бошланди. Ўтган ҳафтада бирин-кетин Самарқанд ва Навоий вилоятларида навбатдан ташқари сессиялар бўлиб ўтди. Оммавий ахборот воситалари Президентимиз нутқини имкон қадар тўла-тўқис фуқароларга етказишга ҳаракат қилдилар. Таҳририятимизга етиб келган ишончли маълумотларга қараганда, Самарқанд вилояти ҳокимлигидаги фавқулодда анжумандан сўнг, эрта тонгда Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Одил Ёқубов Республика телерадио компаниясининг раиси А. Кўчимовга сим қоқиб, ҳурматли Президентимизнинг нутқини тўлалигича намойиш этгани учун телеижодкорларга чин дилдан миннатдорлик изҳор этибдилар. Бу ҳол ҳам мамлакатимиз ҳаётида жиддий ислоҳот даври бошланганини яққол кўрсатиб турибди... Дарҳақиқат, Президентимизнинг ёниб-куйиб айтган гаплари «Тонг юлдузи» муштарийларини ҳам бефарқ қолдирмади. Бизнинг «Юзма-юз» рукнимиз шинавандалари ҳам беихтиёр ўзларини ошкоралик руҳида ҳис эта бошладилар.

АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ ЯХШИМИ?



деган эдилар. Шоҳ ўтди, салтанат инқирозга юз тутди, лекин Шоирнинг СЎЗлари қолди, мунгли армони қолди...Қаранг, беихтиёр Бобур Мирзонинг битта рубойиси ёдга тушди:

*«Кўнгил тилаган муродиға
етса киши,
Ё барча муродларни
тарк этса киши,
Бу икки иш муяссар ўлмаса
оламда,
Бошин олиб бир сорига
кетса киши».*

— Чамаси, ҳазрат Бобур лафзига вафодор зот бўлганлар. Ул зоти шариф нафақат айтган СЎЗи учун, ҳатто кўнглида ўйлаб юрган, кўнглидан кечган СЎЗ учун ҳам ўзларини жавобгар ҳис этганлар — юқоридаги рубойини қоғозга туширганларидан сўнг Ҳинд сори юзланган ва «не юз қаролик» бўлган эса-да ажаб эмас!

— Демак, умид қиламизки, чинакам ШОИР ҳар доим лафзига вафо қилади, ҳеч қачон СЎЗни ҳавога совурмайди.

— Гулюз, биз «Аччиқ ҳақиқат» тўғрисида гаплашаётган эдик.

— Ҳа, фақат Эркин аканинг газали тўғрисида эмас, умуман ҲАҚИҚАТ тўғрисида гаплашаётган эдик... Афсуски, ҳар қадамда ёлгонга дуч келамиз. «Озгина ёлгон аралаштирсак, осмон узилиб ерга тушармиди», деб ўзимизга таскин берамиз. Ҳаттоки, Ҳадиси шарифда ҳам маҳсус вазиятларда ЁЛҒОНга руҳсат (суннат) берилган-ку, дей-

миз.

— Рост, уришган одамларни яраштириб қўйиш учун ёлгон гапириш мумкин. Лекин, фақат истисно тариқасида мумкин!

— Бир марта ёлгонга ўрганган тил кейин «истисно»ни таомилга айлантириб олмасмикан?

— Қайдам.

— Менимча, ёлгон туйфайли яраштирилган одамлар ҳовуридан тушгач, кечирасизлар, биз ўша пайтда ҳақиқатга хилоф иш қилган эдик, аслида, ундай эмас, бундай, деб узр-маъзур сўраш, яъни орани очик қилиб қўйиш шарт.

— Агар улар бор ҳақиқатдан воқиф бўлгач, яна-тагин тўнларини тесқари кийиб олишса-чи?! Кейин бошқа бир «ишонарли» ёлгонни ўйлаб топиш керакми?

— Нега энди?.. Эсли-хушли одам ўзи учун кимлардир виждон азобига гирифтор бўлгани билса, азбаройи ўша азоб ҳурмати дўстининг гуноҳидан ўтади. Аслида, гуноҳни кечириб ёки кечирмаслик ўзига тан; бундай ваколат Ўзидан бошқа ҳеч кимга берилмаган. Лекин, бандаси ҳаргиз ўзининг қилмиши учун Ўзи олдида жавобгар эканини қатъиян билмоғи лозим.

— Сизнингча, ҳаётда узил-кесил ёлгон ишлатмаслик керакми?

— Истисно тариқасида мумкин. Мен буни инкор этмайман. Лекин бу ёлгондан киши шахсан манфаатдор бўлмаслиги керак. Аксинча, зарар кўражагини онгли равишда билиши даркор. Яъни, охиратда ҳам жавоб беражагини билмоғи лозим.

— Иймони бутун инсон истисно тариқасида ёлгон ишлатармикан?

— Йўқ, ишлатмайди.

— Унда аразлашиб юрган одамларни ким яраштиради?

— Муборак кунларда ўзлари (бировларнинг воситасига кўз тикмасдан) ярашиб олаверади-лар.

— Муборак кунлар, айтайлик, Рамазон ҳар йили фақат бир марта бўлади. Агар йил айланиб, Рамазон келишини кутиб юрилса, олти ойдан сўнг қонуний муноса-

ЮЗМА-ЮЗ

батлар ўз-ўзидан барҳам топади-ку?!

— Тўғри, Рамазон — муборак ой, лекин ҳижрий тақвимда бундан бошқа муборак саналар ҳам бор. Иймон-этиқод амрига мувофиқ равишда ҳаёт кечирадиган инсонлар ўша саналарни жуда яхши биладилар. Кўнглингиз тўқ бўлсин, ўртадаги вақт масофаси олти ойдан узоқ эмас.

— Биз ҳозирча олиймақом (истисно тариқасида) ёлгон хусусида гаплашяпмиз. Бироқ, ҳар қадамда учраб турадиган маиший ёлгон ҳам бор.

— Ёлгоннинг катта-кичиги, маиший ёки ижтимоий даражаси бўлмайди.

— Назарий жиҳатдан шундай. Лекин, ҳаётда бутунлай бошқача манзарага дуч келамиз-ку?

— Афсуски, шундай. Энди ўша ёлгон биз юқорида қисман «тафтиш» қилган асосдан фарқ қилади. Гўё САВОБнинг оҳанрабо кучини енгиб ўтиб, ГУНОҲ кенгликларида бемалол парвоз қилаверади. Шунинг учун номи ҳам ўзгаради.

— Масалан?

— Хушомад, таъмагирлик, имтиёз, мартаба, сохта обрў-эйтибор каби.

— Фараз — ёлгоннинг илҳомчиси экан-да?

— Албатта.

— Ундан қутилиб бўлмайди-ми?

— Агар ШАЙТОН жаннатдан қувилмаганда борми, одамзод аллақачон ёлгондан халос бўларди.

— Демак, ёлгон фақат ижтимоий ҳодиса эмас, балки...

— Иймон ва иймонсизлик ўртасидаги беаёв кураш, афсуски, ЁЛҒОН деб аталмиш ФОНИЙ майдонда кечажак. Голиб ҳам, мағлуб ҳам қиёматда аниқланади.

— Дунёвий воситалар билан голиб ёки мағлубни аниқлаб бўлмайдимми?

— Кечирасиз, Президентимизнинг Навоийда сўзлаган нутқини эшитдингизми?

— Айнан қайси гапларини назарда тутяпсиз?

— У киши, бугун биз юксак лавозимларни ишониб топшираётган раҳбарлар эртага собиқ амалдорларнинг қилмишини такрорламайди деб ким кафолот беради, дедилар.

— Шунинг учун Президентимиз ёшларга кўпроқ ишонч билдириш лозимлигини таъкидладилар.

— Биз ҳам ўша эзгу ниётларнинг рўёбга чиқишига тилакдошмиз!

— Аччиқ ҳақиқат яхшими?

— Мен шуни сиздан сўрамоқчи эдим: аччиқ ҳақиқат яхшими?..

Котиб: МУНИС

ЎЗИМ ҲАҚИМДА

Мен 1986 йилда Тошкентда туғилганман. Шу йили оиламиз хоҳишига кўра ота-онамнинг она юрти — Самарқандга кўчиб кетдик ва мен то 12 ёшга тўлгунга қадар Пойариқ туманида яшадик.

Оиламизда уч опа-сингилмиз. Мен тўнғич фарзанд бўлганим сабабли уйда онамга ҳар ишда кўмакчи, сингилларимга меҳрибон опа бўлишга ҳаракат қиламан. Илк таълимни олган даргоҳим — Пойариқ туманидаги Усмон Юсупов номли 9-ўрта мактабни, ундаги азиз муаллимларим, айниқса, биринчи ўқитувчимиз — Бахриддин Хидировни, қадрдон дўгоналарим — Лобар, Гулҳамза, Муаттар, Дилрабо ва Вазираларни, барча синфдошларимни соғинч билан эсламан, уларни кўргим, суҳбатлашим келади... Ўзим туғилиб ўсган уй, кенг далалар, сокин йўллари соғинаман... Чунки менинг кўлимга қалам тутиб, қалбимга илҳом бағишлаган шу — туғилган жойим-да! Илк машқларимдан то ҳозирги

қораламаларимгача биринчи бўлиб кўрадиган, ўқийдиган, тинглайдиган устозим — онам бўладилар. Онажоним ўқитувчи — шоира Ойгул Суюндикова билан ҳақли равишда фахрланаман. Отам — Ортиқбой Худойбердиев ҳам журналист. Мен улардан улғайган сарим адабиёт ва шеърият сирларини янада иштиёқ билан ўрганмоқдаман.

Айни чоғда пойтахтимиздаги Лутфий номли 254-гимназия мактабида таҳсил олмақдаман. Янги ва ажойиб дўгоналар орттирдим. Нафосат, Шаҳноза ва Иродалар ўзларининг билимдонлиги, одоблиги, мен каби адабиёт ва шеъриятга ихлосмандликлари билан юрагимга яқин, менга ёқади. Янги ўқитувчиларимдан, айниқса, устоз, синф раҳбаримиз, мактабимизнинг ташиқи-

лотчиси ва жонқуяри Мунира опа Толиповадан жуда миннатдорман.

Азиз тенгдошлар! Орзуларим мўл. Фақат бир нарсани аниқ билмаманки, келажакда ким бўлиб етишимдан қатъий назар, шеърият ва адабиёт қалбимнинг ардоғи, ҳаётим ва руҳимнинг умрбод йўлоғи бўлиб қолажакдир.

Шу тоғда кўз ўнгимда дунёга машҳур Самарқанднинг азим кўчалари, кўп бор зиёрат қилганимиз Амир Темури мақбараси ва Шохизинда, кўк билан тенглашган мовий гўмбазлар ўтмоқда. Улардан мозий садолари ва бобокалонимиз, фахримиз — Амир Темурнинг залворли қадамлари эшитилгандай, Бибихонимнинг руҳлари шодлангандай туюлади назаримда.

Ахир, биз каби мустақил юртимиз-

нинг ёш авлодига мактабнинг илк сабоқлариданоқ улар ҳақидаги ҳақиқатни билмоқ, англамоқ насиб этди-да! Бу бахтиёрлик эмасми, дўстларим! Бу бахтнинг қадрига етмоқ учун, шубҳасиз, аъло ўқишимиз, ахлоқи гўзал инсонлар бўлиб етишимиз зарурдир. Кундан кунга чирой очиб бораётган Тошкентимиз жамоли ҳам мустақиллик шарофатидандир.

Тошкентнинг кенг ва обод кўчалари, тиниқ фавворалари, ям-яшил боғлари-ю, осмонлар бинолари мени ўзига мафтун этди. Унда сайр этиб юрган одамларнинг чехрасида эса мамнулик кўраман. Дунёнинг турли жойларида урушлар бўлиб турган шу дамларда юртимизда эркин ва тинч яшай олишининг ўзи улғу бахт эмасми! Бунинг учун мамлакатимиз раҳбарларига, ҳукуматга мингдан-миг раҳматлар айтсақ арзийди. Келажакимиз янада порлоқ бўлишига имон келтириб, сизларга ўзимнинг янги ижодимдан янги гулдаста тутмоқчиман.

САМАРҚАНД

Сен борсанки, дунёда
Кувончларим зиёда.
Тарихингдан бўйладим,
Таърифингни сўйладим.

Юртимнинг буюгисан,
Юрагим суюгисан.
Темур бобом пойтахти,
Илм-маърифат тахти.

Табиатинг жуда соз,
Қанча севсам, шунча оз.
Она шаҳрим, Самарқанд,
Сенга бўлай чин фарзанд!

ТОШКЕНТ

Гул шаҳрим, гулгул
шаҳрим,
Орзулар маконисан.
Боқсам, очилар баҳрим,
Туйгулар жаҳонисан.

Осмонингда юлдузлар
Мунча кўп, мунча порлоқ!
Уларга айтар сўзлар
Тугилсин, тонгдан оппоқ.

Мен ҳам бир кунни нурли
Осмонингда порласам.
Бахтга элиб ҳар дилни
Эзгуликка чорласам!..

УСТОЗ

Самарқанд вилояти,
Пойариқ тумани Усмон
Юсупов номли 9-ўрта
мактабнинг катта ўқи-
тувчиси, биринчи муалли-
мим Бахриддин Хидировга

Улғайдим, катта бўлдим,
Шодлик, кувончга тўлдим.
Бизга илм ўргатдингиз,
Сиздан жуда хурсандимиз.

Доим яхши ўқинглар,
Илм маъзип чақинглар,
Деб айтдингиз бизга Сиз,
Илм маъзип чақдик биз.

ТИЛ

Ҳечам аччиқ сўзлама,
Тил — маърифат қуроли.
Қаерда бўлсанг ҳам сен
Ширин сўз бўл, ҳаёли.

«Аччиқ сўз тош едирар,
Ширин сўз ош едирар» —
Мақолига амал қил,
Тилингда эҳтиёт бўл.

«Тилни боғла дил билан,
Дилни боғла тил билан.»
Мақолида маъно бор,
Амал қилсанг, омад ёр.

ДАДАМНИНГ ХАЛОСКОРИ


Ушанда эрта баҳор эди.
Дадамлар қишлоққа бо-
риб, ул-бул олиб келаман.
Сен эса қуйларга қараб тур,
— деб тайинлаб, жунаб кет-
дилар. Мен Олапар ва Қоп-
лон билан сурувни тепа-
ликка ҳайдадим. Тепалик-
дан анча нарида қалин арча-
зор бор бўлиб, шамол тур-
ганда у ердан ваҳимали то-
вушлар келар эди. Қорон-
гуда эса арчазор яна ҳам
кўрқинчли бўлиб кетарди.
Энг муҳими, у ерда бури-
лар изғиб юришарди. Мен
пичоқчамни қўлимга олиб,
«Чупон таёққа» ҳар хил
шакллари йуниб утирар-
дим. Вақт ҳам алламаҳал
булган, лекин дадамлардан
дарак йўқ эди. Бир пайт
қарасам, йул бошловчи та-
ка сурувни арчазор томон
бошлаб кетаяпти. Жон-по-
ним чиқиб сурувни кети-
дан югурдим. Ёрдамга Ола-
пар билан Қоплон ҳам шо-
шилди. Қани энди сурувни
қайтара олсак! Уларни қайта-
раман, деб тилим тиззамга

тушди. Бир маҳал олдинда
кетаётган қуйлар хуркиб ҳар
томонга тузиб кетди. Итла-
рим ҳам сергак тортишди.
Улар қандайдир ҳавфни се-
зишган, оламни бузгудек во-
виллашарди. Мен шундагина
арчазор томондан сурувга қа-
раб иккита бури келатгани-
ни куриб қолдим. Кузларим-
га ишонмасдим. Чунки яқин-
дагина бу ерларда бурилар
йўқлигини дадамлар ва бош-
қа чупонлар айтишганди-да!
Кўрқиб кетганимдан турган
жойимда тош қотиб турар-
дим. Улар сурувга яқинла-
шишган сайин қуйлар дуч
келган томонга қараб тум-
тарақай қочишарди. Бирин-
чи бўлиб жангга Қоплон таш-
ланди. Осмонга чанг-тузон
кутарилган, итлар билан бу-
риларнинг олишуви қурин-
масди. Менинг қўлимда эса
таёқдан бошқа ҳеч нарса йўқ
эди. Нима қилишни билмай,
иккиланиб турардим. Бури-
ларнинг олишуви ярим соат-
дан ортиқ давом этди. Қоп-
лон ярадор бўлиб ерда чузи-

либ ётар, Олапар ҳам ундан
кам эмасди. Олапар гарчи
ярадор бўлса-да, олишишда
давом этарди. Бирдан орқа
томондан милтиқнинг ово-
зи келди. Мен орқага қара-
сам, бу қушни сурувдаги
Жалил ака экан. Улар биз-
дан хабар олиб кетишга кел-
ган эканлар. Шундай қи-
либ буриларнинг бирини
Олапар ер тишлатди. Ик-
кинчиси эса оқсоқланиб ар-
чазор томонга қочиб кетди.
Олишув тамом бўлди. Бу
воқеа ҳеч қачон эсимдан
чиқмайди. Ҳар гал уша
жойга борганимизда шу во-
қеани эсламан.

Мана, кўрдингизми бо-
лалар, мен шундай кўрқин-
чли воқеанинг гувоҳи бўл-
ганман.

Нуриддин
СИРОЖИДДИНОВ,
Паркент туманидаги
12-мактабнинг
6-синф ўқувчиси.



ҚУШЛАР НИЯТИ

Осмонда чугурлашиб,
Қушчалар нур қучсалар.
Кўзларим кувонади,
Сўзлашиб шод учсалар.


Бири дейди: Бепоён
Осмон — хуррият, макон.
Бири дейди: Тинч ўлка
Ҳамиша булар кўркем.

Яна бири дер: Замон
Кўшиғи бўлсин омон.

Ҳечам уруш бўлмасин,
Беғуноҳлар ўлмасин.

Қушчалар чугурлашиб,
Яна нелардир дейди.

Ёш боладай қувнашиб,
Эл-юрт гамини ейди.
Зухра АСКАРОВА,
Тошкент шаҳар,
Шайхонтохур тумани
Лутфий номли
254-мактабнинг
6 «В»-синф ўқувчиси.



Бу бола дарса қаранг,
Ҳаёли баргда, хасда.

Хушини йиғса аранг,
Дарс тугайди бирпасда.

ЁШ ИҚТИСОДЧИ

YOSH IQTISODCHI

“Тонг юлдузи”га илова
ИҚТИСОДИЙ газета



ДАБДАБАДАН - БАРАКА САРИ



Шаҳримизда тўйлар жуда дабдабали бўлаётган эди. Одамларга жуда ҳайронман. Улар фарзандларини мактабдан олиб қолиб, бо-

зорга ўргатишади. Кейин эса у пулларга дабдабали тўй қилиб, саёқ отарчилар устидан бу пулларини сочишарди. ЗАГСга (Ўзбекчасини

билмайман) йигирмага яқин бир хил рангда, бир хил русумли машина, келин-куёв учун алоҳида “Лимузин”, “Линкольн”лар олиб келишаётган эди.

Келинга бировлар кийган никоҳ кўйлагини ижарага қанча пулга олишарди. Тўй дастурхонида ҳам исрофгарчиликка йўл қўйилаётганди. Дастурхонга турли спиртли ичимликлар қўйишарди. Кейин тўйнинг охирига бориб, ичиб олганлар жанжал, тўполон бошлашарди. Бу ичимликлар қўйилмаса тўйлар тинч ўтади. Яна, нима учун шундай қувончли кунда ўзларини заҳарлашади? Бу ичимликлар одам аъзолари учун зарар-ку! Ислонда ҳам ароқ ичиш таъқиқланган. Нега ҳукумат ҳам ароқ ичишни таъқиқлаб қўймас экан?!

Кўшиқчи, хонандалар кўшиқ айтиш учун навбат кутиб туришарди ва уч-тўрттагина кўшиқ айтиб, бошқа тўйга кетишарди. Бойваччалар бундай тўй қилишга қурби етмаганларнинг кўнгли ўксишини ўйлашмасди. Пули кўплар бир-биридан

қолмаслик учун янада тантаналироқ ўтказишарди. Шундан манманлик келиб чиқади.

Бозор иқтисодиёти пайтида шундай тўйлар қилиш шартмиди?!

Айни пайтда Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримовни тўйларни дабдабали қилмаслик ҳақидаги берган Фармони жуда яхши бўлди. Менимча, энди тўйлар тежамкорлик билан, оддийгина қилиб ўтказилади. Энди ота-оналар инсон соғлигининг қушандаси бўлган спиртли ичимликларга кетадиган пулни тежаб бу пулларга болаларига китоб, дафтар, ручка, қалам ва қишга иссиқ кийимлар олиб беришса яхши бўларди ёки кам таъминланган оилаларга, меҳрибонлик уйидаги болаларга, боқувчисини йўқотган бева-бечораларга ёрдам беришар, деб ўйлайман. Бир кунлик тўйнинг дастурхонини хашаматли қилмасдан, кундалик дастурхонини, рўзгорини тўкин қилишар деган умиддаман.

Маъмура АЗИМОВА,
ёш мухбиримиз.

ОЛИБ-СОТАРЛИК КАСБ ЭМАС! Фазлиддинга очик хат

Фазлиддин! Сен 9-синфни битиргач, ўқишни ташлаб, бозорга ўтиб кетдинг. Ҳар хил сақич, бодрок, чет мамлакатларидан келтирилган шоколад, печенье ва шунга ўхшаш нарсалар сотаясан. Фойдасига ота-онангдан беркитиб, донлаб сотадиган тамакидан олиб чакаётганингни кўп кўрдим. Наҳотки тамаки соғлигинга ўта зарарли эканини билмасанг. Кейин соғлигингни пулга қайтариб бўлмайди-ку! Бунақа “бойваччалик” қилгандан кўра ота-онангга, рўзгорга қарашсанг бўлмайдимми?!

Туманимизда бепул хунар ўргатадиган кўшимча таълим комплекси бор. У ерда наққошлик, мўъжаз тасвир, ганчкорлик, бешикчилик тўгараклари ишлайди. Дарсдан кейин уларга қатнашсанг бўларди. Ахир йигит кишига қирқ хунар ҳам оз!

“Хунар - хунардан унар”,
Хунарли одам хор бўлмайди”



деб бежиз айтилмайди. Бойликни қанча ишлатсанг шунча камаяди. Хунарни қанча ишлатсанг, шунча кўпаяди.


Менимча сен ўзингни тадбиркор, ишбилармон деб ўйласанг керак. Асло ундай эмас. Тадбиркор бўлиш учун бир нарсани яратиш, бирор муаммони ҳал этиш керак. Ҳеч бўлмаса, ўзимизда йўқ нарсаларни хориждан олиб келиш керак. Пул топиб, мол топиб корхона қуриш керак. Унга замонавий жиҳозлар сотиб олиш керак. Одамларни иш билан таъминлаб, харидоргир маҳ-

сулот ишлаб чиқариш керак. Ана шундай одамларни тадбиркор деймиз. Буни касб деса бўлади.

Сен-чи?! Сен майда олиб-сотарликка умрингни сарфламоқчисан. Бу иш ўткинчи.

Ҳозир ҳам кеч эмас. Хунар ўрган. Агар бир ҳафтада битта ўйма қутича ясаб сотсанг, ҳам хунар ўрганасан, ҳам пул топасан. Ёки уйларни таъмирлашни ўрган. Ҳамма уйларига ганчдан нақш солдиряпти. Бу - ўлмас хунар! Хунар ўрганишга қайт, мактабдошим.

Малиқа,
ёш мухбиримиз.



УШБУ СОНДА:

„ИҚТИСОДИЁТДАН
САБОҚЛАР“
КОНКУРСИ
ДАВОМ ЭТМОҚДА.

7-БЕТ

Одамнинг ўзига хос ёзуви 9-10 яшарлигидан шакллана бошлайди ва тахминан 20 ёшда тўла шаклланиб бўлади.
**ХАТГА ҚАРАБ УНИ
КИМ ЁЗГАНИНИ БИЛИШ МУМҚИН**

8-БЕТ

„ОИЛА ВА
ЭКОЛОГИЯ
БОЛАЛАР НИГОҲИДА“

9-БЕТ

Айсберг музликнинг синиб тушган бўлагидир. Бундай ҳодиса музлик водий бўйлаб пастга силжиб, денгиз соҳилига етганида содир бўлади.
**АЙСБЕРГЛАР ҚАЙДАН ПАЙДО
БЎЛАДИ?**


10-БЕТ

Мева дарахтлари ёши, тур ва хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда кесилади. Ҳосилга киришнинг дастлабки даврида (6 яшардан 15 яшаргача бўлган) олма дарахтларининг шох-шаббаси сийраклаштирилади.
МЕВАЛИ ДАРАХТЛАРНИ БУТАШ

11-БЕТ

ЎЙИЧ МАЙДОҶЧАСИ

12-БЕТ





Абдулла Авлоний таваллудининг 120 йиллигига

„ТУРКИЙ ГУЛИСТОН ЁХУД АХЛОҚ“

илм, сабр, ҳилм, интизом, миқёси нафс, виждон, ватанни суймак, ҳаққоният, назари ибрат, ифбат, ҳаё, идрок ва зако, ҳифзи лисон, иқтисод, виқор, хавф ва ражо, итоат, ҳақшунослик, хайрихоҳлик, муносилик, садоқат, муҳаббат ва авфдур. Мана бу ёздигимиз яхши хулқлар ақл ва шаръи шарифга мувофиқ. Аллоҳ таоло ҳам бандалар қошида мақбул ва мўътабардур. Эмди бу яхши хулқларни қўлга олмак учун ота-она, муаллим устодларимиз ҳазратларининг ҳикматли насиҳатларини жон қулоғи бирла тинглаб, доим хотирда тутмоқ, ахлоқи яхши кишилар бирла улфат бўлмак, ахлоқи бузуқ ёмон кишилардан қочмак лозимдур. Бизим шариати исломияда “ахлоқи ҳасана” - яхши хулқлар ила хулқланмак, ҳар нарсага ибрат кўз ила боқиб, хулқини тузатмак вожибдур. Расули акрам набийи муҳтарам саллоллоҳу алайҳи васаллам “исломиятда бузуқлик йўқдур, бузуқликни устига олув ҳам йўқдур. Исломиятда энг мўътабар кишилар яхши хулқ эгаларидур”, - демишлар.

Байт
Яхши бирла юрса, ҳар ким мақсади
ҳосил бўлур,
Юрса нодонлар ила, бир кун бориб
қотил бўлур.
Катталар қилган насиҳатни кичиклар
олмаса,
Оқибат хулқи бузуқ бир беадаб
жоҳил бўлур.

ФАТОНАТ

Фатонат ақл эгаси бўлув демақдир. Ақл инсонларнинг пири комили, муршиди яғонасидур. Рух ишловчи, ақл бошловчидур. Инсон ақли ила дин ва эътиқодини маҳкам қилур, шариат ҳукмларига бўюнсунар. Ақлсиз жинни кишилар буларга бўюн қўймас, шариатдан ташқари ишларни ҳам қилур. Жаноби ҳақ инсонни ҳайвонлардан сўз ва ақл ила айирмишдур. Ҳайвонлар ўзларига бўлақлар тарафидан келадурган зулм ва жабрларни шох, тиш, тумшук, тирноқлари ила қайтарурлар. Лекин инсон жаноби ҳақ тарафидан берилмиш ақл ва идроки соясида ўзига келадурган зарар ва



Яна шўхлик

қилдинглари?

зулмлардан сақланур. Ер юзидаги ҳайвонларни асир қилуб, бўйнидан бойлаб, ипларини учини қўлларига берган инсонларнинг ақлидур.

Илм инсонларнинг мадори ҳаёти, раҳбари нажотидур.

Илм ўрганмак, олим бўлмак учун мактабга кирмак, муаллимдан таълим олмак лозим, ақлсиз кишилар на мактабга кирар ва на муаллимни билар.

Расули акрам набийи муҳтарам саллоллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: “Эй инсонлар! Ақлингизга тавозеъ қилингиз. Сиз жаноби ҳақ буюрган ва қайтарган нарсаларни ақлингиз ила билурсиз”, - демишлар.

Хукамолардан бири: “Агар ақлингизни кўли нафсингизни жиловини ушласа, сани ёмон йўлларга кирмоқдан сақлар. Ҳар нарса кўп бўлса, баҳоси арзон бўлур, ақл эса илм ва тажриба соясида қанча кўпайса, шунча қимматбаҳо бўлур”, - демиш.

Ақлдек зебо сифатни кўрди ҳақ,
инсонга эб,
Оқил инсонлар билан берди жаҳон-оламга
зеб.
Ақл нури бирла тўлди дунёга илму ҳунар,
Ақлсиз инсон қачон билғусидур нафъу
зарар.
Ақлсизлар билмагайлар дин надур,
дунё надур?
Бўлмаса ақли билурми фарз ила
суннат надур?


НАЗОФАТ

Назофат деб аъзоларимизни, кийимларимизни, асбобларимизни пок ва тоза тутмоқни айтилур.

Поклик зеҳн ва идрокингизни кенг ва ўткур қилур. Халқ орасида эътибор ва шуҳратга сабаб бўлур. Поклик ила ҳар хил касаллардан қутулур, жонимизнинг қадрини билган бўлурмиз. Пок бўлмак саломатимиз, саодатимиз учун энг керакли нарсидур. Пок бўлмаган киши аллоҳ ҳам халқ қошида севимсиздур. Йиртиқ, эски кийимлар киймак айб эмас, янги кийимларни кир қилуб, ёғини чиқаруб юрмак зўр айб ва гуноҳдур. Чунки бу иш шариатга терс, тарбияти баданга зид, ажнабийлар кўзига исломиятни чиркин қилиб кўрсатмоқ бўладур, ҳам бир йилга етадурган кийимлар олти ойга етмай, қирқулуб тамом бўладур. Бу исроф, мол қадрини билмасликдур. Ифлослик балосидан поклик давоси ила қутулмоқ керак. Балиқнинг ҳаёти сув ила ўлдиғи каби, инсоннинг саломатлиги ҳаво иладур. Агар тан пок бўлур ювилиб турмаса, кулоқ кир бўлса, эшитмагани каби бадан ҳам ўзига керак бўлган ҳавони ичига ололмас, ичидаги рутубат ҳам кирдан ўтуб чиқуб кетолмас, чунки бадан элак каби кўзликдур. Агар кўзи кир олса, ун туруб сув ҳам ўтмас, шунинг учун тамиз бўлмаган кишилар кўрқинч касалларга тезгина гирифтор бўлурлар. Шодликлари ғамда, олтундан қадри умрлари касалхоналарда ўтар. Мана шуларни риоя қилуб, шариатимиз бизга покликни фарз қилмишдур. Поклик мусулмонлигининг илдизидур. Шунинг учун тани, кийими, жойномози пок бўлмаган кишининг ибодати ҳам дуруст бўлмайду. Расули акрам набийи муҳтарам саллоллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: “Ислом дини пок диндур. Бас, пок бўлингиз, пок бўлмаган киши жаннатга кирмас”, - демишлар.

Халқи олам севгусидур тозалик, покни,
Поклик ортургусидур фаҳм ила идрокни.
Ҳар кишини кўксида поклик нишони
бўлмаса,
Тозалик майдонидан қувгайлар ул
бебокни.
Нашрга тайёрловчи
М.МАХСУМОВ,
педагогика фанлари номзоди.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ



ФИКР ТАРБИЯСИ

Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир қилинуб келган, муаллимларнинг диққатларига суялган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифадур. Фикр инсоннинг шарофатлик, ғайратлик бўлишига сабаб бўладур. Бу тарбия муаллимларнинг ёрдамига сўнг даража муҳтождурки, фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги муаллимнинг тарбиясига боғлидур. Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, икиси бир-биридан ойилмайдурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидур.

Масалан: жой солинмаган яхши бир уйнинг ичида ўтирмак мумкин ўлмадиғи каби, ичига ҳар хил янги ашёлар тўлдуруб зийнатланган эски иморат ҳам ўлтурушга ярамайдур. Башарти ўлтурса, инсонлар: “Эски уйга янги золдивор”, “кир кўйлакка жун жияк”, “мис қозонга лой тувоқ” деб ҳажв, кулги қилурлар.

Фикр агар яхши тарбият топса,
Ханжар, олмосдан бўлур ўткур.
Фикрнинг ойинаси олурса занг,
Рухи равшан замир ўлур бенур.

АХЛОҚ ТАРБИЯСИ

Ахлоқ тарбияси: инсонларга энг муҳим, зиёда шараф, баланд даража бергучи ахлоқ тарбиясидур. Биз аввалги дарсда тарбия ила дарс орасида фарқ бор, дедук, чунки дарс олувчи билувчи, тарбия олувчи амал қилувчи демақдур.

Шунинг учун тарбия қилувчи муаллимларнинг ўзлари илмларига омил бўлур, шогирдларга ҳам берган дарсларини амал ила чақуштуруб ўргатмақлари лозимдур. Бу равиши таълим ила берилган дарс ва маълумот-шогирдларнинг дилига тез таъсир қилуб, муллои боамал бўлурлар.

Расули акрам набийи муҳтарам саллоллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: “Энг ёмон кишилар илмига амал қилмайдурган кишилар”, - демишлар. Агар тарбия қилувчи муаллим ўзи олим бўлур, амалсиз бўлса, бунинг ҳам шогирдларнинг ахлоқи-га зўр таъсири бўладур. “Домламнинг ўзи фалон жойда фалон ишни қилди. Аммо бизларга қилманглар, ҳаромдур, деб ваъз этадур”, деб фикр ва ҳаёлларига бўйла шак ва шубҳа тушуб қоладур.

Байт
Минбар узра жилва айлаб ваъз этарлар
қилма деб,
Ўзларин хилватда кўрсанг они
қилмоқда эмиш.
Ичма сув дерлар биза олтун-кумуш
асбобда,
Билсамиз мақсудлари қўлтўқға
урмоқда эмиш.

ЯХШИ ХУЛҚЛАР

Яхши хулқ: бир қисми ўз нафсимизга, бир қисмини бир-биримизга қаршу ишлатмак учун керакли бўлган яхши хулқлар: фатонат, диёнат, исломият, назофат, ғайрат, риёзат, қаноат, шижоат,



**МАҚБУЛАРИНГИЗНИ
 ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА
 ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:**
 700029. Тошкент шаҳри.
 Мустақиллик майдони,
 2-уй, 402-хона.
 (Музаффар ПИРМАТОВга)

ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР

**Янги ўқув йилидан бошланган
 "Иқтисодиётдан сабоқлар" сиртқи мактаби конкурси
 давом этмоқда.**

Конкурс "Ёш иқтисодчи" шлова газетаси ва конкурс лойиҳаси муаллифлари, фан номзодлари **Эргашвой САРИҚОВ** ва **Баҳодир ҲАЙДАРОВ**лар билан ҳамкорликда уюштирилмоқда.

Конкурс бутун ўқув йили давомида олиб борилади. Газетамизнинг ҳар бир сонидан конкурс топшириқлари ва топшириқларни бажаришингиз учун зарур бўладиган назарий материаллар бериб борилади. Сиз ўз навбатида топшириқ варақаларини тўлдириб, таҳририятга юборишингиз лозим. Агар газетамизга обуна бўлмаган бўлсангиз, ҳозирча мактаб кутубхонасидан газетани топиб, қўлда ёки ксероксда кўчириб олиб, топшириқ варақасини тўлдириб, бизга йўллашингиз мумкин. Оралиқ яқунлар ҳар ойда эълон

қилиб борилади. 3-4 та газетада берилган топшириқларни тўплаб, 1 та хатжислда юборишингиз ҳам мумкин.

Бу савобли иш Халқ таълими вазирлигининг республика Таълим маркази, "Камолот" жамғармаси қошидаги Ёшлар муаммолари институти, Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улуғбек" жамғармаси томонидан қўллаб-қувватланди.

Конкурс ташкилотчилари ва ҳомийлар томонидан қўшиқдаги мукофотлар таъсис этилган:

- 1-ўринни эгаллаган ўқувчига - телевизор;
- 2-ўринни эгаллаган ўқувчига - стерео магнитофон;
- фаол қатнашган 10 та ўқувчига - аудио-плеер



Конкурснинг якуний босқичи Тошкент шаҳрида 1999 йилнинг апрель ойида ўтказилади.

10 - ДАРС

ПУЛНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Қоғоз пулларнинг кашф этилиши инсоният тарихида беқиёс аҳамият касб этиб, иқтисодиёт тараққиётига катта туртки бўлди.


Қоғоз пулларнинг пайдо бўлиши қандай қулайликларга олиб келганлигини олдинги параграфда кўрилган мисол асосида тушуниб олишга ҳаракат қилайлик. Пул бўлмаган пайтларда, товарга товар алмашган этикдўз ўзининг нонга бўлган эҳтиёжини этикни - ўроққа, ўроқни - бугдойга, бугдойни - унга, охири эса унни - нонга алмашиб қондирган

Натижада товар-пул алмашуви амалга оширилади.

Учинчидан, пул - бойлик жамғариш воситасидир. Товарни пулга алмашиб, тушган пулга бошқа товар олмасдан, уни маълум вақтгача сақлаш, яъни жамғариш мумкин.

Ҳозирги даврга келиб, ҳар бир давлат ўзининг пулига эга. Улар асосан қоғоз пул ёки танга кўринишида зарб этилади. Тангалар асосан қоғоз пулларни майда пулларга майдалаш учун ишлатилади.

Бизнинг мамлакатимизнинг пул бирлиги сўм бўлиб, 1 сўм - 100 тийинга тенг қилиб белгиланган.



Ўзбекистон ва турли мамлакатлар пуллари.


АҚШ пул бирлиги доллар бўлиб, 1 доллар - 100 центгга тенг.

Франция пул бирлиги франк бўлиб, 1 франк - 100 сантимга тенг.

Англия пул бирлиги эса фунт стерлинг бўлиб, 1 фунт стерлинг - 100 пенсга тенг.

Компьютер технологиясининг ривожланиши натижасида, ҳозирда электрон пластик карточкалар кўринишидаги мукамал, электрон пулар пайдо бўлди.

Бу карточкалар компьютер дискетларига ўхшаган бўлиб, унда пул эгаси, пул миқдори ва қаерда, қайси банкда сақланаётганлиги ҳақидаги маълумотлар ёзилган бўлади. Карточка дўкондаги тегишли мосламага тикилиб, зарур пул миқдори харидорнинг банкдаги жамғармаси ҳисобидан сотувчи ҳисобига ўтказилади.



Албатта, бундай товар-пул алмашуви, ҳам харидор, ҳам сотувчи учун анча қулай бўлиб, товарга товар алмашувига қараганда қатор афзалликларга эга.

Эндиликда пулсиз иқтисодиётни умуман тасаввур қилиб бўлмайди. Иқтисодиётни бир бутун организм десак, пул бу организмнинг қони, деб айтишимиз мумкин.

Ҳўш, эндиликда пул қандай вазифаларни бажариб келмоқда?

Юқорида таъкидлаганимиздек биринчидан, пул бу товар қийматининг ўлчов воситасидир. Ҳар бир товарнинг қиймати пул ёрдамида ўлчанади. Товарнинг пулда ифодаланган қиймати унинг нархи деб юритилади.

Иккинчидан, пул - бу муомала воситасидир. Пул ёрдамида товарлар бир-бири билан айирбошланади.




Электрон карточкалар.

10 - ТОПШИРИҚ

ПУЛНИНГ ВАЗИФАЛАРИ


1. Пулнинг қандай вазифаларини биласиз?



2. Анвар магнитофонини 2000 сўмга пулаб, унинг 1000 сўмини омонат банкига қўйди ва қолган пулига туфли сотиб олди. Бу вазиятларда пул қандай вазифаларни бажармоқда?

- А) Ўлчов В) Ўлчов ва жамғарма С) Муомала ва ўлчов
- Д) Муомала ва жамғарма Е) Ўлчов, жамғарма ва муомала.

3. Қуйида келтирилган бир неча давлат пул бирликларини жуфти-жуфти билан чизик ёрдамида бирлаштиринг ва чизик устида қайси давлат пул бирликлари эканлигини ёзинг.



4. Жадвалнинг ҳар бир сатрини турли давлатларнинг пул бирликлари номларини ёзиб тўлдиринг.

5. Ким кўп давлатларнинг пул бирликларини билади?

N	Давлат	Пул бирликлари
1		
2		
3		
4		
5		
6		
7		
8		
9		
10		

6. Пул қуйидаги вазиятларда қандай вазифаларни бажараяпти?

N	Вазиятлар	Пулнинг вазифалари
1	Ишчи 5000 сўм маош олди	
2	Фуқаро банкка 10000 сўм пул қўйди	
3	Завод 1000000 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди	
4	"Nexia" автомобили 1250000 сўмга сотилди	

7. Қалбаки танга ҳақидаги масала. Берилган 9 та танганинг бири қалбаки. Ҳақиқий тангаларнинг оғирлиги бир хил. Агар қалбаки танга ҳақиқий тангадан энгил экани маълум бўлса, уни қадоқ тошларисиз икки паллали тарози ёрдамида энг камида неча марта тортиш билан аниқлаш мумкин.

8. Чайнворд



Тўпланган бойлик. Олмония пул бирлиги.

Исм-шарифингиз _____

Манзилингиз, мактабингиз ва синфингиз _____



Одамнинг ўзига хос ёзуви 9-10 яшарлигидан шакллана бошлайди ва тахминан 20 ёшда тўла шаклланиб бўлади. Сўнг ҳар 10 йилда бир оз ўзгариб туради. Ҳеч қачон бировнинг қўл ёзмасини бошқа биров тўла ўзлаштириб оломайди, мутахассислар қалбаки ёзувни барибир ажратиш оладилар.

Одамнинг хатига қараб, уни ёзган одамнинг ёшини ҳам аниқлаш мумкин. Лекин бунда унинг ҳақиқий ёшига нисбатан плюс-минус 5 ёшга янглишиш мумкин. Шаклланиб қотиб бўлган (қари-

ХАТГА ҚАРАБ УНИ КИМ ЁЗГАНИНИ БИЛИШ МУМКИН

ларча) хос хатни мутахассис бўлмаган ҳар қандай одам ҳам аниқ фарқлай олади.

Бироқ хатига қараб уни ёзганларнинг қариндош-уруғлик белгисини билиш мушкул (масалан, бу хатни онаси ёзганми ёки қизими - ажратиш қийин). Чунки туғишганларнинг хатлари кўпинча бири-бирига ўхшайди (Болалар! "Ота-онамнинг хати меникига ўхшар экан", деб уй вазибаларингизни уларга ёздириб юрманг, тағин. Чунки, хатни бола ёзганми ёки катта ёшдаги одам ёзганми - шундоққина билиниб туради-я!).

Ҳозирги замонга келиб хатни эркак ёзганини ё аёл ёзганлигини фарқлаш тобора қийинлашиб борапти. Аёллар табиати эса тобора эркаклашиб бормоқда. Ахир одам характерининг 90 фоизи унинг хатида акс этиб туради.

Масалан, харфлари мунтазам ўзаро қўшиб, бир текис ёзилган ёзув уни битган одам мантиқли фикр юритувчи, субутли, собит, мустақил хулосага кела олувчи киши эканидан нишона.

Йирик харфлар - очикқўнгиллик, сахийлик белгиси. Бироқ йирик харфли ёзувлар ҳам харфларнинг эгилганлик даражаси, ўзаро бириккан - бирикмагани, босиб ёки йўргалатиб ёзилганига қараб ҳар хил мазмунга эга. Шу сабабли очиклик баъзан хўжакўрсинлик, такаббурлик, ҳар бир ишни шунчаки "бажардингми -

бажардим"га интилиш, шунингдек, қатъиятсизлик ва ахлоқликдан ҳам дарак беради.

Жуда майда, мунчоқдек тизилган хуснихат ҳам унинг эгаси яхши одамлигидан далолат бермайди...

Майда ёзув, одатда ичидан пишган, дим, қаҳрли одам табиатининг ойнаси. Бироқ бундай ёзувнинг ҳам кўпгина белгилари борки, уларни ҳисобга олиш шарт. Масалан, мунчоқдек думалоқлиги, эгилганлиги ва ҳоказо...

Одам хатни саҳифа бошидан бошлаб ёзса ва четидан хошия қолдирган бўлса, демак у амалиётчи, юраги кенг, лекин зиқна одам. Ахир одам ўзига қандай қўлай бўлса, ўшандайлигича ёзади-да.

Одатда истеъдодли одамлар харфлар орасини очиб, жуда аниқ ёзадилар.

Дабдабали (тамтароқли) ва хушсурат хат - уни ёзган бола хаёлоти кенг, келажакда яхши расом ёки истеъдодли ёзувчи бўлишидан нишона. Айни вақтда бунақа хуснихат эгаси фирибгар ва алдоқчи, товламачи бўлиб улғайса ҳам ажабмас. Ахир бунақа қинғир ишлар қўлидан келиши ҳам бир санъатда! У ҳам одамдан "истеъдод", "қобилият" талаб қилади.

Кишининг маъюслиги, сиқилганлиги, жабрланганини ёки сльиб қолгани ҳам унинг хатидан билиниб туради: одам агар жаҳли чиқиб турган вақтида ёзса, унинг хати ўткир (ингичка, қиррадор) бўлади.

Яхши кайфиятда ёзилган хат харфлари тўла шаклланган, қаторлар тўла-туғал, ҳар бир чизиқ босимли ёзилган бўлади. Умуман, силлиқ оқ қоғозда ҳам юқорига кўтарилган (гердайган, гўдайган) бўлса, унинг ижодкори некбин, яъни оптимист одам. У келажакка, зўр инсон бўлиб етишувига ишонади.

Агар одам маъюс-ғамгин бўлса, унинг харфлари қинғир-қийшиқ, ёзуви қаторлари ҳам нотекис бўлади.

Инжик одамлар эса "з", "р", "д" харфларини чўзиб ёзишади.

Ростгүй, очик табиатли одамлар харфларининг "думи" қисқа, тўғри бўлади.

Тунд, ўзига ишончи йўқ одамлар бўш, босимсиз ёзишади. Ишончи мустаҳкам кишилар эса қаттиқ босиб ёзади.

Чап томонга букиб, босиб ёзилган хат эгалари эса, одатда ўзига қарама-қарши жинсни жини суймайдиган одамлардир. Яъни, ўгил болаларни ёқтирмайдиган қизлар ёки аёлларни хуш кўрмайдиган эркаклар ана шундай ёзишади.

Врачларнинг ёзуви ҳаммага маълум: уларнинг нима ёзганини бегона тугул, ўзлари ҳам зўрга ўқишади. Аммо турли мутахассисликдаги шифокорлар орасида жароҳ (хирург)ларнинг ёзуви бошқача: улар анча оғир, аниқ ёзишади.

Ҳа, азиз болалар! Ҳозирдан хуснихатингизга эътибор беринг. У фақат "аъло" баҳо олиш учунгина эмас, балки сизнинг табиатингиз яхши томонга ўсишини гарови ҳамдир. Демак, чиройли, босимли, донатор хат - тақдирингиз ойнаси!

"АиФ"дан таржима.

Р.Д.Цой

ҲИҚИЧОҚ ТУТГАНИДА...

Ҳиқичоқ - диафрагма қаттиқ тортишиб қолгани натижасида зўрлик билан олинадиган қаттиқ, тез нафасдир.

Соппа-соғ одам ҳам кўп овқат еб, ошқозони тўлиб кетса ҳиқичоқ тутади. Қуруқ, аччиқ таом егач ҳам ҳиқичоқ тутиши мумкин.

Бундан ташқари, асаб, гастрит (ошқозон касали), язва (ошқозон яраси), 12 бармоқли ичак, ўт пуфаги каби узв(орган)лар касалланган чоғида ҳам ҳиқичоқ тутиши мумкин.

Чуқур нафас олганда ёки бир хўплам сув ичиб юборилса тўхтайдиган қисқа ҳиқичоқ бўлади. Баъзан эса бир неча соат ёки кунлаб тутадиган ҳиқичоқ бўлади. Бу одамни ҳам, унинг атрофидагиларни ҳам қаттиқ ташвишга солади. Ҳадеб ҳиқичоқ тутаверганидан одамнинг уйқуси бузилади. Узоқ вақт ҳиқичоқ тутаверса, албатта врачга мурожаат этиб, унинг сабабини аниқлаш зарур.


Ҳиқичоқни уқалаш йўли билан ҳам тўхтатиш мумкин. Бунинг учун расмларда берилган асаб нуқталарига қўл билан таъсир этиш зарур.

Расмларда кўрсатилган ҳар бир нуқтани бармоқингиз билан 2-3 дақиқадан қаттиқ босиб турунг. Симметрик нуқталарни бир вақтда уқаласангиз яна яхши. Аслида ҳамма кўрсатилган нуқталарни бир мартадан 2-3 дақиқа уқалаш кифоя. Мабодо бу билан ҳиқичоқингиз тўхтамаса, бу жараённи бир кеча-кундузда 2-3 марта такрорланг.

Бутунлай соғлом одамни қисқа-қисқа ҳиқичоқ тутганида Ян-си (90-) ва Пянь-ли (91-) нуқталарни узунасига (чизиқ бўйлаб) уқалаш яхши самара беради. Буни ҳар иккала билангизда бир вақтнинг ўзида 10-15 марта такрорланг.


Тез-тез такрорланувчи ҳиқичоқни қолдириш учун эса уқалашдан ташқари махсус мис пластинкачалар ва 0,5 сантиметрли мис фальга квадратчаларини 66-, 67- ва 69-нуқталарга ёпиштириб туриш керак.

Авалло, ҳеч кимни ҳиқичоқ тутиб безовта қилмасин, мабодо шундай безовталиқка дуч келсангиз, юқоридагидек биринчи ёрдам чорасини кўриш эсингизда турсин.



Геометриядан бошқотирмалар

ГУГУРТ ЧўПЛАРИДАН ШАКЛЛАР ЯСАШ



Саккиз дона гугурт чўпларидан турли ёпиқ шакллар ясаш мумкин. Улардан айримлари куйидаги расмда кўрсатилган.


Топшириқ:

1) Берилган шакллардан қайси бирининг юзи катта?

2) 8 та гугурт чўп ёрдамида расмларда берилган шакллар юзидан ҳам каттароқ юзали шакллар ясанг.

ҒИШТ ВА ҒИШТЧА ОҒИРЛИГИ

Битта қурилиш ғиштининг оғирлиги 4 кг. Ҳамма томонлари қурилиш ғиштидан 4 марта кичик бўлган ўйинчоқ ғиштининг оғирлиги қанча?





„ОИЛА ВА ЭКОЛОГИЯ



БОЛАЛАР НИГОҲИДА“

ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК

Табиат, ундаги ўсимликлар, ҳайвонлар дунёси хилма-хил. Табиат ўлик ва тирик турли шакллардаги мўъжизали кўринишларга бой. Шаҳар ва қишлоқлардаги кўк-яшил сада дарахтлар, ҳар хил шаклдаги тошлар, шаршаралар, турли манзарали кўринишларни муҳофаза қилиб, келажак авлодга қолдиришимиз керак. Табиий муҳит ва табиий захиралар дунё миқёсида ниҳоятда эҳтиёт қилиниши зарур.

Табиатни, бутун инсониятни ер шарида яшаб қолиши учун муҳофаза қилиш зарур. Кишилар табиатга меҳнат қуроллари орқали таъсир этиб, уни ўз манфаатлари йўлида ўзгартиради.


Инсон табиатнинг жонли таркибий қисмидир. Табиатни кўриқлаш ва унинг бойликларидан онгли равишда фойдаланиш давлат аҳамиятига эга. Бу ишга ҳар бир инсон ўз ҳиссасини кўшиши керак.

Биз ёш авлод она табиатни асрашимиз керак. Дарахт ва гуллар, ўсимликлар экишимиз, ҳазонларни ёқмаслигимиз, ахлатларни сувга, тоза жойларга ташламаслигимиз, ҳайвонларни ўлдирмаслигимиз, ҳар хил пўчок, қоғозларни ерга ташламаслигимиз, совуқ сув ичмаслигимиз керак. Ҳар доим кўлимизни совун билан ювишимиз шарт.

Синф хонамизга гул кўчатлар экишимиз зарур. Чунки биздан чиқаётган чангни улар ютиб бизга тоза ҳаво чиқариб беради. Табиатга зарарли ишлар қилмаслигимиз керак. Табиатни асраш - бизнинг бурчимиз.

Н.ҚУРБОНОВА,
 Тошкентдаги
 185-мактабнинг
 7 - “Б” синф ўқувчиси.

ОНА ЕРИМИЗ СОҒЛОМ БЎЛАДИ



Табиатни кўриқлаш ва унинг бойликларидан онгли равишда фойдаланиш давлат аҳамиятида бўлиш билан бирга ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Она табиатни асраш деганда уйимизни қандай тоза сақласак, табиатни ҳам шундай сақлашимиз керак. Биз дарахтлар, жонли бурчакдаги ҳайвот дунёси, ўсимликлар ва жонли нарсаларни сақлашимиз керак. Дарахтларни оқлаш, қушларга чўзма (рагатка)да тошлар отмаслик, ҳайвонларни ўлдирмаслик - булар ҳаммаси табиатни асрашга киради. Кўча ва ҳовлиларда гуллар орасида югурмаслик, кўча ва ҳовлилар, уйларни тоза сақлаш табиатни асрашга киради. Шу ишларнинг ҳаммасини пухта бажариш керак. Мен улғайиб, она табиатни асрашга ёрдамлашаман, юртим гўзаллиги, ободлиги учун курашаман.

Собиқ совет тизими даврида 1959 йилнинг ноябрь ойида табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида қонун қабул қилинган. Аммо бу қонун ижобий

натижалар бермади. Мустақиллигимиз республикамизда 1992 йилнинг 9 ноябрь куни табиатни асраш куни табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Ва анча ижобий натижалар берди.

Ер қуррасини ўраб турган ҳаво қатламига атмосфера деб аталади. Атмосфера ернинг ҳимоя қатлами бўлиб, тирик организмларни ультрабионафша нурларидан, осмондан тушадиган метеоритлардан ҳамда сайёрамизда термик ҳароратни тартибга солиб туради.

Бу атмосфера қатлами ҳам кейинги вақтларда анча зарарланиб қолди. Бунга дунёдаги ҳамма мамлакатлар айбдор. Энди ана шу йўл қўйилган хатони тузатиш шарт. Бу ишни кечиктириб



бўлмайди. Бўлмаса, ерда ҳаёт издан чиқиши мумкин. Шунинг учун дунёда ақлли одамлар табиатни асрашга куч, пул сарфлаяпти. Агар ҳамма давлатлар бирлашиб ҳаракат қилишса, атмосферамиз яна тузалиши аниқ. Агар ҳар бир одам ўз кўлидан келганича табиатни асраса, экологиямиз мусаффо бўлади.

К.МАГРУПОВА,
 Тошкентдаги 185-мактабнинг
 7 - “Б” синф ўқувчиси.



Мана бу гул “атри”ни ҳидлаб кўринг.

ИНСОН - ТАБИАТНИНГ БУЮК НЕЪМАТИ

**Гўзал табиатсан, мўъжизага кон.
 Гулларинг сержило, боғларинг танҳо.
 Сенсан шоирларга илҳом берувчи,
 Она табиатим, бўлгин мусаффо.**

Инсонни Оллоҳ гўзал қилиб яратган ва азизликка ноёб табиатни ато қилган. Ўсимлик ва табиат оламини яратган.

Инсонлар ҳамisha кенгликка, мусаффоликка интилиб яшайди. Шу боисдан бўлса керак, кишилар дам олиш кунларини баланд тоғлар, хушманзара жойларда ўтказишни хуш кўришади.

Бизга насиб этган ҳаётни ўсимликлардан, гиёҳлардан оламиз-у, ҳолбуки уларни нобуд этамиз. Ер юзидан йўқотиш келажакимиз учун хавфли эканини баъзида унутиб кўямиз.

Ўсимликлар - ҳаёт манбаи. Улардан тарқалаётган кислород инсон учун гоё зарурдир. Қадимқадимдан маълумки, табиатдаги гўзаллик, ундаги сир-синоат одамзотга илҳом бахш этган. Оллоҳ табиатни гўзал қилиб, гулларга буркаб, тириклик уруғини сочибдики, инсон шу тирик заминда яшаб келади.

Инсон ейиши ҳам, ҳатто эгнидаги кийим-кечаги ҳам ўсимликлардан олинади. Табиатдаги чангларни, захарли моддаларни ўсимликлар ютади. Демак, ўз-ўзидан ўсимликлар бизни ҳимоя қила-

ди. Инсон соғлигини тиклайдиган дори-дармонларнинг 90 фоизи ҳам ўсимликлардан олинади. Ўсимликларни фойдали эканини била туриб, баъзи сайёҳ одамлар ўрмондаги, боғлардаги дарахтларнинг шохларини синдириб, ерни кавлаб ўчоқда овқат пишириб ёки чой ичиб, ҳамма ахлатларни сочиб, ташлаб кетишяпти. Баъзан эса, ўчирилмай қолдирилган сигареталар ёнғин чиқишига сабаб бўлаяпти.


Орол денгизининг қуриб бориши, унинг атроф-муҳитга таъсири, ўсимликларнинг йўқолиб бораётган ўсимликларни муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистоннинг “Қизил китоб”и чоп этилди. “Қизил китоб” - бу биз учун XX аср ютуғи эмас, балки фожиамиздир. Амударё, Сирдарё-

ларни Оролдан айирган, ноёб ҳайвонларни, ўсимликларни ер юзидан йўқолишига сабабчи ўзимиз эмасмиз? Она табиатимизни кўз қорачигидек асраш бизнинг фарзандлик бурчимиздир. Ҳолбуки, тиниқ осмон, мусаффо ҳаво барча-барчамизники! Ҳаёт деб аталмиш бу ширин гўшада фақат яхшилик ва савоб ишлар қилинса, она сайёрамиз осуда бўлади. Еримизни атом портлашдан, захарли нурларнинг тарқалишидан асрашимиз зарур. Еримиз планеталар ичида тириклик ато этилган ягона макондир.

Ҳаммамиз ҳам ер фарзандимиз. Уйимиз ҳам борар-келар жойимиз ҳам ер:

Ер нидо қилмоқда... табиатга аёвсиз қирғин келтирганлардан ўч олмақда. Сув тошқинлари, довул, бўронлар. Келинг, инсонларни бирдамликка, тотувликка, инсофга чақирайлик. Зеро, келажак авлодларимиз - эндигина туғилган гўдақларимиз олдида юзимиз ёруғ бўлсин.

**Тириклик яралган еру заминга,
 Инсонлар яралган буюк қилиб оҳ.
 Табиат ҳуснига азоб бериб у,
 Бу дарднинг азобин бир-бир тортар гоҳ.**
Нодира АҲМЕДОВА,
 Тошкент шаҳридаги 165-мактабнинг
 7 - “В” синф ўқувчиси.





АЙСБЕРГЛАР ҚАЙДАН ПАЙДО БЎЛАДИ?

Айсберглар ўрганиш ва кузатиш учун қизиқарли объектлардир. Аммо улар океандаги кемаларга жиддий хавф туғдиради. 1912 йил 14 апрелига ўтар кечаси энг даҳшатли денгиз фалокатларидан бири рўй берган эди. Ўшанда “Титаник” кемаси айсберг билан тўқнашиб кетиши оқибатида 1513 кишининг ёстиғи қуриди.

Айсберг музликнинг синиб тушган бўлагидир. Бундай ҳодиса музлик водий бўйлаб пастга силжиб, денгиз соҳилига етганида содир бўлади. Бу ҳол муз дарёсини эслатади. Денгиз бўйича музликнинг бир бўлаги синиб тушади ва сузувчи айсберг ҳосил бўлади.

Айрим айсберглар тор ва соҳили тик кўрфазлар - фиордларда ҳосил бўлади ва океанга сузиб чиқади. Айрим айсбергларнинг четлари синиб тушади ёки уларни сув силлиқлайди. Уларнинг асосий қисми сув остида бўлади, сув остида синган айрим бўлақлар юзага сузиб чиқади.

Айсбергларнинг ўлчамлари ҳар хил. Диаметри 5-10 метр бўлган айсбергларни денгизчилар “гроулерлар” деб аташади. Диаметри 100 метрдан ошиқ айсберглар кўпроқ учрайди. Айрим муз тоғларининг ўлчами кўндалангига 1000 метрдан ошиқ бўлади.

Айсбергнинг зичлиги сув зичлигига нисбатан 10% кам ёки сув зичлигининг 90%ини ташкил этади. Шунинг учун ҳам унинг 1/9 қисми сув юзасида, 8/9 қисми эса сув остида бўлади. Сув юзасида 45 метр баландликдаги айсбергнинг сув остидаги қисми 200 метрга боради. Бундай айсбергнинг таркибида қанча муз борлигининг тасаввур қилиш қийин. Айримларининг оғирлиги 180 000 000 тоннага етади.

Музнинг асосий қисми сув остида бўлгани учун ҳам унинг ҳаракатига шамол эмас, сув ости оқимлари таъсир кўрсатади. Иссиқ кенгликларга етиб келган айсберглар аста-секин эрий бошлайди. Фақат айрим айсбергларгина Канаданинг Ньюфаундленд шарқидаги Гольфстримга етиб келади. Улар кемалар учун ўта хавфлидир. Шунинг учун ҳам Америка Қўшма Штатларининг қирғоқбўйи кўриқчилик хизмати бу ерларни доимо кузатиб туради ва кемаларни муз тоғлари пайдо бўлишидан огоҳлантириб боради.

ШАМОЛ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ?



Баъзида осойишта ва тиниқ ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиш учун кўчага чиқамиз. Беш-ўн қадам босиб улгурмасимиздан оқ тўсатдан шамол кўтарилади. Гарчи уни кўрмасак ҳам, қайдан пайдо бўлганини билмасак ҳам, уни қўлларимиз, юзимиз билан сезамиз.

Шамол ҳаво массасининг Ер узра кўчиб юришидир. Ҳавони кўчиб юришга нима маж-

бур қилади? Бу саволга жавоб ҳамisha битта, у ҳам бўлса, температуранинг ўзгариши. Ҳаво қизиганда, кенгайди ва енгиллашиб, юқорига кўтарилади. Унинг ўрнини эса ундан оғирроқ бўлган совуқ ҳаво оқими эгаллашга интилади. Мана шу шамолдир.

Шамолнинг икки тури мавжуд: умумжаҳон тизимига тегишли шамоллар ва маҳаллий шамоллар. Умумжаҳон шамоллар тизими Куёш кўпроқ қиздирадиган экватордан бошланади.

У ерда иссиқ ҳаво, юксакликларга кўтарилгач, Шимолий ва Жанубий кутблар томон ҳайдала бошлайди. Экватордан кутбгача бўлган масофанинг учдан бир қисмини босиб ўтгач, совийди ва яна Ер юзасига қайта бошлайди. Ҳаво массасининг бир қисми кутбга томон ҳаракатини давом эттиради, қолганлари эса экваторга қайтади.

Бир минтақада ва бир йўналишда йил бўйи эсадиган шамоллар устун шамоллар деб аталади. Бироқ кўпинча у ёки бу жойда шамол бутунлай бошқа томонга қараб эсади. Бунга маҳаллий шамолларнинг аралашуви сабаб бўлади.

Маҳаллий шамоллар юқори босимли совуқ ёки паст босимли иссиқ ҳаво оқимининг келиши натижасида пайдо бўлади. Бу, одатда, бир неча соат ёки кун давом этади, шундан сўнг устун шамоллар эса бошлайди.

Маҳаллий шамоллар туришига яна бир сабаб бир кеча-кундузлик температуранинг кескин ўзгаришидир. Бу, айниқса, денгиз соҳилида сезилиб туради. Денгиздан эсаётган совуқ шамол кундузи қуруқлик томон кўчиб ўтади, кечаси эса бунинг акси бўлади.

ТУМАН НИМА?



Туман, шудринг ва булут бир-бирига бево-сита алоқадордир. Туман, шудринг ёки булут шароитлардан бирининг ўзгариши, масалан, ҳаво оқимларининг бор ёки йўқлиги натижасида содир бўлади. Бунинг сабаби нима экани ва айрим жойларда нега туман пайдо бўлиши-ни кўриб чиқайлик.

Туман жуда майда, 0,001 миллиметрдан ҳам кичик зарралардан иборат. Олдингизни қалин туман қоплаб, ҳеч нарсани кўролмайдиган ҳолатда, ҳар бир куб сантиметрга 1227 дан кам бўлмаган зарра тўғри келаётган бўлади.

Туман пайдо бўлиши учун намлик ҳавони тарк этиши ва конденсациялаши керак бўлади. Бунинг маъноси шуки, совиган ҳаво иссиқ ҳаво ушлаб турган намлик миқдорини тутиб қола олмайди. Ҳаво совиб, температура тўйиниш ёки шудринг нуқтасидан пастга тушгач, туман ҳосил бўла бошлайди.

Туман пайдо бўлиши учун ҳам совуқ ва иссиқ ҳаволарнинг ҳаво оқимлари ёрдамида ўзаро аралашиб кетиши талаб этилади. Агар ҳаво ҳаракатсиз ҳолатда бўлса, совуқ ҳаво ерда тўпланиб қолади ва шудринг ҳосил бўлади. Агар ҳаво оқимлари тепага шиддат билан кўтарилса, совий ҳавонинг ўзидаёқ бошланади ва булутлар пайдо бўлади. Шунинг учун совуқ ва иссиқ ҳаволарни бир-бири билан аралаштирадиган ҳаво оқимлари кучли бўлма-сагина, туман пайдо бўлади.

Туман иссиқ ҳаво массаси совуқ қуруқлик ёки бирор сув ҳавзаси устидан ўтаётганда пайдо бўлади. Ёки, аксинча, совуқ ҳаво илиқ сув устидан ўтаётганда ҳам худди шундай ҳодиса рўй бериши мумкин. Бу ҳол эрта куз тонгида сув ёки ҳовуз каби сув ҳавзалари ёнида кузатилади. Совуқ ҳаво иссиқ ҳаво оқими билан аста-секин қўшилиб кетади ва сув ҳавзалари устидан ҳаммамизга таниш

бўлган муаллақ туман вужудга келади.


Туман шаҳарда қишлоқдагига нисбатан қалинроқ бўлади. Шаҳар ҳавоси таркибида кўп бўлган чанг ва қурум ҳаво зарралари билан бирлашиб, зич парда ҳосил қилади.

Ньюфаундленд (Канада)нинг Атлантика океани соҳиллари Ернинг энг туманли минтақаси ҳисобланади. У ерда туман Кутб доирасидан жанубга томон ҳаракатланаётган совуқ сув устига сернам иссиқ ҳавонинг ўтиши натижасида ҳосил бўлади. Сув совуқлиги ҳаво намлигини кичик сув томчиларига айлантиради. Бу томчилар, ўз ўлчамига кўра, ёмғир ҳосил қилиш учун етарли эмас. Шунинг учун ҳам улар ҳавода туман ҳолида мавжуд бўлади.

Сан-Франциско минтақасидаги туманлар эса бутунлай бошқа йўл билан ҳосил бўлади. Бу ерда тонги салқин шабада - сабо илиқ кум уюмлари томон эсади. Агар унинг арафасида кумга ёмғир ёғиб ўтган бўлса, буғланаётган намликдан зич туман қатлами ҳосил бўлади.

Туман булутдан кўра зичроқ кўринади. Негаки, туман томчилари булутникига нисбатан кичикроқдир. Кўплаб ўта майда томчилар булутларни ҳосил қиладиган каттароқ (аммо миқдоран камроқ) томчиларга нисбатан кўпроқ ёруғлик ютади. Шунинг учун ҳам туман булутга нисбатан қалинроқ кўринади.

КАМАЛАК НИМА?



Камалак табиатнинг энг гўзал ҳодисаларидан биридир, одамлар унинг қандай ҳосил бўлиши ҳақида қадим замонлардан бери бош қотириб келишади. Ҳатто, қадимги юнон файласуфи Аристотель - Арасту ҳам камалакнинг содир бўлиши сабабини тушунтириб беришга уринган эди.

Куёш нури ёки оддий оқ нур барча ранглари ўзида жам этгандир. Сиз қия турган кўзгунинг бир четига ёки совун пуфаги юзасига нур тушганини ҳеч кузатганмисиз? Оқ нур турли рангларга бўлиниб кетади. Шунда биз қизил, зарғалдоқ, сариқ, яшил, кўк ва бинафша ранглари кўрамыз.


Нурни турли рангларга ажратувчи нарса “призма” деб аталади. Ҳосил бўлган ранглар ўзаро бирикиб кетувчи чизиқлар ҳошиясини ҳосил қилади ва бу “спектр” деб аталади.

Камалак ҳам катта эгилган спектр ёки ёмғир томчилари орқали ўтиб синадиган нурнинг ранго-ранг чизиқларидан иборат тасмадир. Бу ҳолда ёмғир томчилари призма вазифасини бажаради.

Камалак жала ёғаётганда чиқади. Бу вақтда, бир томондан ёмғир ёғаётган, бошқа тарафдан эса куёш чарақлаб турган бўлади. Камалакни кўриш учун сиз куёш (орқангизда туриши керак) ва ёмғир (олдингизда ёғаётган бўлиши керак)нинг ўртасида бўлишингиз лозим. Куёшдан тушаётган нурлар ёмғир томчиларига тушиб спектр ҳосил қилади. Куёш, сизнинг кўзларингиз ва камалак маркази бир чизиқда бўлиши керак.

Агар Куёш жуда баландда бўлса: бундай тўғри чизиқ ўтказиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам камалакни фақат эрталаб ёки кечга яқин кузатиш мумкин. Тонги камалак Куёш шарқдан нур сочаётгани ва ёмғир сизнинг фарб тарафингизда ёғаётганини кўрсатади. Тушдан кейинги камалак эса Куёш Фарбдан нур сочаётгани ва сизнинг шарқ тарафингизда ёмғир ёғаётганини билдиради.

Хурофотчи кишилар камалакни, ёмонлик аломати, деб билишган. Улар, марҳумларнинг жони нариги дунёга камалак орқали ўтади, камалак пайдо бўлганда эса, кимдир ўлади, деб ҳисоблашган.



ДАРАХТЛАР РАСИТА-РАСИТА, БОҒИМ БУЛСИМ ОРАСИТА

МЕВАЛИ ДАРАХТЛАРНИ БУТАШ

Ўзбекистонда мева дарахтлари уйғонмаган даврда (барг тўкиб бўлгач, ўсув даври бошлангунча) кесилади, совуқ 10-12 даражадан ошганда дарахт шох-шаббаларини кесиш тўхтатилади. Совуққа унча чидамли бўлмаган мевали дарахтларнинг тур ва навларини (гилос, ўрик, шафтоли, олманинг Ренет Смирненко нави) баҳорга яқин - февралнинг иккинчи ярми ва март ойида кесган маъқул.

Мева дарахтларининг шох-шаббалари ўткир ва тоза асбоблар (қайчи, аррача ва ҳоказолар) билан кесилади. Олиб ташланадиган шох ва новдаларни чала кесиш ярамайди. Акс ҳолда у жойда кавак ҳосил бўлади. Йўғон шохни кесаётганда дастлаб уни остки томонидан, кейин эса устки томонидан арралаш керак. Ана шунда дарахт пўстлоғи зарарланмайди. Кесилган диаметри 3 сантиметрдан катта бўлган дарахт шохларига боғ замаскаси ёки бўёқ суртиб қўйилади.

Мева дарахтлари ёши, тур ва хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда кесилади. Ҳосилга киришнинг дастлабки даврида (6 яшардан 15 яшаргача бўлган) олма дарахтларининг шох-шаббаси сийраклаштирилади. Бунда бир-бирига халақит берадиган ва шох-шаббани соялайдиган барча новдалар олиб ташланади. Новда ҳосил қилиш хусусияти суст бўлган ва асосан халқали ҳамда кўп йилги халқали шохчаларда мева тугадиган навларнинг ҳамма шохларидаги бир йиллик новдаларни қисқартириш давом эттирилади. Кучли шохлайдиган навларнинг (60 сантиметрдан ортиқ) новдаларигина қисқартирилади. Новдалар нормал ўсганда (40-45 сантиметр) қисқартирилмайди. Бироқ, новдаларнинг ўсиши 15-20 сантиметргача камайса, уларнинг узунлиги 35-40 сантиметр бўлишини таъминлаш учун новдалар яна қисқартирилади. Ўсаётган ён новдалар эгиш ёки қисқартириш йўли билан шохларига айлантирилади.

Куйидаги расмларда дарахтларнинг ортиқча шохларини кесиш ва калталатиш усуллари тасвирланган.

НОК

олмага ўхшаб кесилади. Нокни кесишда новдаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади. Кам шохлайдиган аммо кучли ўсган бир йиллик новдалари ва асосий шохларида жуда кўп халқали шохчалари бўлган навларнинг новдалари уларнинг узунлигига қараб тенг ярмига ёки учдан бир қисмига қисқартирилади. Кучли шохлайдиган ва асосан чивик новдаларида ҳосил тугадиган ва аксинча ҳосил тугмайдиган навларнинг асосан шох-шаббаси сийраклаштирилади. Агар ҳосилнинг кўплиги ёки бошқа бирор сабабга кўра ўсиши кескин секинлашса, ўтган йилларда кучли ўсган (икки-уч йиллик) шохлар қисқартирилади.

БЕҒИ

дарахтига ҳам олма сингари сийраклаштирилган ярус системасида шакл бериледи. Асосий шохларга шакл беришда уларнинг ўзаро бўғлиқлигига қатъий амал қилиб, асосий шохларнинг ўткир бурчак бўйича ўсишига йўл қўймаслик лозим. Бунда рақобат (бир-бирига халақит берадиган) асосий шохлар, асосий шохларни шакллантириш учун зарур бўлмаган шох-шаббалар, ичига қараб ва ўткир бурчак ҳосил қилиб ўсаётган новдалар олиб ташланади. Асосий шохлардаги қолган новдалар олиб ташланмасдан майда ҳосил шохчаларига айлантирилади. Бунинг учун дастлабки уч йилнинг ўзидаёқ (уч-тўрт куртакка) қисқартирилади, яъни дарахтлар ҳосилга киришга тайёрланади. Аммо тўртинчи йилдан бошлаб, яъни дарахтлар ҳосилга кирганда, ўсаётган шохлардаги новдалар биологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда турли даражада қирқилади. Беҳнинг ҳамма навлари барг

қўлтиқларида ҳосил тугади - кучли ўсган новдалардаги баъзи барг қўлтиқларидаги куртаклар ҳосил куртакларига айланади. Барг қўлтиқларидаги ҳосил куртаклари фақат кучли ўсган новдаларнинг юқори қисмида бўлади. Шу муносабат билан ўсаётган шохлардаги новдалар калта қилиб кесилса, новда мева куртакларининг мавжуд қисми олиб ташланади. Шунинг учун ҳам тўртинчи йилдан бошлаб ўсаётган шохлардаги бир қисм новдалар қисқартирилмайди, ҳосилнинг ҳаддан ташқари кўп бўлишига йўл қўймаслик учун новдаларнинг бир қисми яна уч-тўрт куртакка қисқартирилади. Бунда жуда кўп қисқартирилган новдаларда келгуси йил ҳосилини таъминлайдиган мева куртакли янги шохчалар ўсиб чиқади, қисқартирилмаган новдалар шу йили ҳосил беради. Келаси йили шох-шаббанинг бўш-очиқ ерида ўсаётган шохчалар кесилмайди, негаким, улар кейинчалик мева беради. Бир-бирига халақит берадиган шохчаларгина қисқартирилиши мумкин. Дарахт тўла ҳосилга кирган даврда новдаларнинг ўсиши кескин сусаяди ва мева тугиш асосан ҳосил шохчалари типидеги калта шохчаларга кўчади. Бу даврда ҳосилнинг ҳаддан ташқари кўп бўлиши ва шох-шаббанинг қалин тортиб кетишига йўл қўймаслик узайиб кетган ва кучли ўсган шохлар қисқартирилади.

ГИЛОС

кучли ўсиши ва кам шохлаши билан ажралиб туради. Пушти Наполеон, Роман Олива навлари айниқса кам шохлайди. Бу навларнинг кучли ўсган пастки новдаларида куртаклар деярли ривожланмайди. Куртакларнинг уйғонишини жадаллаштириш ва асосий шохларнинг яланғочлигини камайтириш мақ-





садида асосий шохлардаги тик ўсган новдалар қисқартирилади. Кесишнинг бу усули ёш дарахтнинг шох-шаббасига шакл беришда ва ҳосилга кирган даврда қўлланилади. Дарахт ёш новдаларининг узунлиги 40-45 сантиметрга етганда уларни чилпиш яхши натижа беради. Дарахт новдаларини қисқартириш ва чилпиш шох-шаббанинг гул бўлишига олиб келади ҳамда шохларда новда ва гулдаста шохчаларнинг кўплаб ҳосил бўлишини таъминлайди, яхши шохлайдиган навларнинг фақат новдалари (50-сантиметрдан ортиқ) қисқартирилади.

Бошқа турдаги дарахтларга қараганда олча дарахтини кесишга камроқ эътибор берилади. Бунда ҳаддан ташқари қалинлашиб кетган шох-шаббасини сийраклаш ёки синган, қуриган шохларини кесиш билангина чекланилади.

Дарахт қарий-бошлаб, новдаларнинг ўсиши 10 сантиметргача камайганда ва ҳосилдорлик пасайиб кетганда дарахтнинг ҳолати ҳисобга олинган ҳолда шохлар уч-беш йиллик қисмигача баъзан эса бундан ҳам кўпроқ кесиб яшартирилади. Пирамида шаклидаги шох-шаббага эга бўлган навлар кўпроқ, эгилиб ўсган шох-шаббага эга навлар камроқ кесилади.

ШАФТОЛИ

ёшлигида тез ўсиши, яхши шохлаши ва барвақт ҳосилга кириши билан ажралиб туради. Бир йиллик новдаларида ҳосил тугади. Агар шафтоли кесиб турилмаса, шох-шаббаси жуда тез қалинлашади, ички қисмидаги шохлар яланғочланади, мева асосан шох-шаббанинг четки новдаларида тугилади. Дастлабки икки-уч йилда ҳар йили бир йиллик новдалар қисқартирилади ва шох-шабба сийраклаштирилади. Асосий шохларнинг учидеги новдаларнинг узунлиги 50-60 сантиметрга етганда ва бундан ортиқ бўлганда улар учдан бир қисмга, қоқ ярмига қисқартирилади. Анча калта новдаларнинг тўртдан бир қисми олиб ташланади.





ЎЙИН МАЙДОНЧАСИ

“ЁШ ИҚТИСОДЧИ”ГА МАКТУБЛАРИНГИЗНИ ҚУЙДАГИ МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029. Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-уй, 402-хона (Музаффар ПИРМАТОВга).

Мулоқот учун телефон: (371) 139-49-32, Факс: (371) 139-48-23. Пейжер: (088) 30-13



Жеррига лабиринтдан чиқишга ёрдам беринг.




Жеррига пишлоққа етиб олишига ёрдам беринг.



Суратлардаги олтита фарқни топинг



Том синдириб қўйган чашкаси бўлагини топинг.



Иккита бир хил суратни топинг.

УҚИШГА ЧАНҚОҚЛАР МУРАББИЙСИМАН

Азиз болажонлар! Лутфий номли 254-гимназия мактаби фақатгина Шайхонтохур туманидагина эмас, балки республикаимиздаги намунали илм даргоҳларидан бири эканлиги қалбимда фахр, муҳаббат ва фидойилик ҳисларини уйғотади. Бу даражага етишишнинг ўзи бўлмаган, албатта. Мактаб асли 1987 йилда ташкил этилиб, шу йилнинг ўзида Тошкент Давлат Дорилфунини, Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика институти ва Ўзбекистон Қўлёзмалар институти билан ҳамкорликда ишланган махсус Дастур асосида она тили ва адабиёт фанларини чуқур ўрганишга ихтисослашди. 1993—94-ўқув йилида гимназия мактабига айлантирилди. Мактабнинг 48 та замонавий тарзда жиҳозланган синфларида 1438 та бола таълим олади. Ўқувчилар ўқишдан бўш пайтларида турли тўғаракларга қатнашиши учун барча шароитлар мавжуд. Ўқувчиларнинг чуқур билим олишларида фидойи муаллимлардан М. Толипова, М. Алиева, А. Мурская, Э. Нурматова, Ш. Яҳёева, Ш. Назирова, А. Носиров кабиларнинг меҳнатлари бекиёсдир. Мактабимизнинг эътиборли томони шундаки, туман ҳокимияти ва туман халқ таълими бўлими томонидан «Маданий меросга ихлос» маркази ўн йилдан ошиқ вақт мобайнида Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика институти профессори Х. Хомидий раҳбарлигида ўзининг маъсулиятли вазифасини бажармоқда. Марказ қошида ўтказилаётган ҳар бир суҳбат, учрашувлар, семинар ва санавий тадбирлар ўқувчилар онгини, дунёқарашини ўстиришда, миллий меросимизга катта ҳурмат билан қарашга, қадриятларимизни ардоқлашга, тарихимизни мукамал ўрганишга хизмат қилмоқда.

Мактаб изланишда яшамас экан, келажакда ажойиб кадрлар етиштириб бера олмайди. Шу боисдан мен ўз дастуримга 1997 йил эълон қилинган Таълим тўғрисидаги қонуннинг 12-моддасига асосан мактабни қобилиятли ва истеъдодли ўқувчилар учун ихтисослашган гуманитар фанлар йўналишидаги махсус билим ўчоғига айлантириш ниятида саъй-ҳаракатдаман. Бу, шубҳасиз, мактаб жамоаси олдида турган улкан масъулиятдир.

Азиз болажонларим! Мен сиз каби ўқишга чанқоқ болаларнинг мураббийсигина эмас балки, оилада ҳам бахтли инсонман. Етти фарзандга ота ва 15 та неварога бобоман. Оиламиз хусусида фахрланишимнинг боиси — 5 та фарзандим менинг касбимни давом эттириб, халқ таълими соҳасида тер тўқмоқда. Хуллас, оиламизда муаллимлар сулоласи вужудга келганидан мамнунман.

Мактабимиз ўқувчилари ва оиламизнинг сеvimли рўзномаси — «Тонг юлдузи»дир. Бу йилги обунада ҳам мактабимиз ушбу рўзномага содиқлигича қолади, деган ниятдаман. Чунки сеvimли рўзномамизнинг қизиқарли ва саводли саҳифалари барча учун бирдай қимматли маълумотлар ойнаси бўлиб қолишига шубҳа йўқ. Бу ижодий йўлда рўзнома таҳририятига мустаҳкам соғлиқ ва ривож тилайман.

Йўлчи АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳридаги 254- мактаб директори



зи»дир. Бу йилги обунада ҳам мактабимиз ушбу рўзномага содиқлигича қолади, деган ниятдаман. Чунки сеvimли рўзномамизнинг қизиқарли ва саводли саҳифалари барча учун бирдай қимматли маълумотлар ойнаси бўлиб қолишига шубҳа йўқ. Бу ижодий йўлда рўзнома таҳририятига мустаҳкам соғлиқ ва ривож тилайман.

КАТТАГА ҲУРМАТ — АЗАЛИЙ ОДАТ

Халқимизда «Қари билганини пари билмайди» деган ақида бор. Ривоятларга кўра, бир подшоҳ юртидаги барча кексайган отахонлару онахонларни ўлдиришга фармон берибди. Шунга кўра қариялар қирила бошлабди. Фақат бир йигит ўз отасини ҳеч ким билмайдиган жойда асраркан. Бир куни подшоҳ қирқта навқарини олиб, йўлга чиқибди. Улар узок йўл босишиб, бир жойга етиб келишибди. У ер жуда гўзал макон бўлиб, парилар ватани экан. Ҳар ким ўзига маъқул, ўзини мафтун этган жойларни томоша қила бошлашибди. Нима бўлибди-ю, подшоҳнинг кўзи сувда ёнаётган гавҳарга ўхшаш нарсага тушибди. Ҳамманинг диққат эътибори ўша жойга тортилибди. Подшоҳ уларга шу нарсани олиб чиқишни бую-

рибди. Бу ажойиб нарса бир пайдо бўлиб, бир йўқоларкан. Йигитлар биринкетин сувга тушиб излашсаларда, у гавҳарни топа олишмабди. Фазабланган подшоҳ: «Агар шу нарсани бир кунда олиб чиқмасаларинг, ҳаммангни бошингни оламан» — дебди. Йигитлар кўрқиб кетишибди — минг уринсалар ҳам, минг ўйласалар ҳам уни қўлга киритишни иложини топа олишмабди. Бу ҳодисадан хабар топган — ўз отасини барчадан йироқда асраётган йигит отасига бу ҳақда сўзлаб берибди ва ундан маслаҳат сўрабди. Отаси унга: «Сен ўша ғаройиб нарсани топиш учун сув бўйида қанча дарахт бўлса ҳаммасига чиқиб кўр. Балким у ерда бирор бир куш уя солгандир. Ўшанинг акси сувга тушаётгандир.» Эртаси куни ҳамма сув бўйига тўпланибди. Шунда ўша йигит подшодан изн сўраб, дарахтларга бирин-кетин чиқа бош-

лабди. Ниҳоят топибди — бир дарахтга лайлак уя солган бўлиб, унинг акси сувга тушаётган экан. Подшоҳ йигитдан қандай қилиб бунинг сирини билганлигини сўрабди. Шунда йигит бор ҳақиқатни айтиб берибди. Шундан сўнг подшоҳ катта хато қилганлигини англаб, юқоридаги фармонини бекор қилибди ва «Қари билганини пари билмас» мақолининг маъносини уқиб етибди.

«Қарилар-парилар», «Қариси бор уйнинг — париси бор», «Каттага ҳурмат — азалий одат» каби ҳикмату мақолларнинг ўз ўрни бор.

Ривоятларга кўра, бир шаҳарга қароқчилар ҳужум қилишибди. Одамларни асир олишибди. Улар орасида мункайган қари чол ҳам бор экан. Қароқчилар бошлиғи унга: «Сени кул қилиб сотсак ҳам, меҳнат қилолмайсан. Хоҳласанг, минг динор тўлаб озод бўл» — дебди. Чол олисларга кетган ўғлига мактуб ёзиб-

МИТТИ ЮЛДУЗЛАР

Мактабда фаолият кўрсатаётган ёш қаламқашлар тўғараги шундай номланади. Бу рамзий маънони англатади. Бу ерда ўқувчиларнинг ёши, дунёқарашини, савиясини, қобилиятини эътиборга олинган. Қўлига илк бор қалам олиб, шеъриятнинг оламига қизиқиш билан боқаётган жажжи юраклар, беғубор кўзлар, содда тушунчалар, бокира ҳислар мужассам бунда. Уларга бу йўлда руҳий мадад бериш, адабиёт ва шеъриятнинг улканлигини тасаввурларига сиғдириш, унга бўлган муҳаббат ва қобилиятни янада ўстириш — тўғаракнинг асосий мақсади-дир.

ди, унинг мазмунидан хабардор ўғил кўп нарсага тушунибди-да, йўлга тушибди. Қароқчиларга:

ҚИЗЛАРЖОН
Қизларжон, мунчалар
гўзалсиз,
лолалар каби.
Лабингизда табассум
ўйнар,



шуълалар каби.
Кўзларингиз чакнайди,
нурли-нурли.
Улардан ёришади
куёшим — қалбим.

УСТОЗИМГА

Устозим, меҳрибоним,
Кўкда порловчи куёш.
Менга илм бердингиз,
Қалам ва чексиз бардош.
Камола МАЛИКОВА

ОНА

Бешик тебратар она,
Тилак тилар болага.
Доим дейди,
фарзандим
Ўхшаб юрсин лолага.

Она каби меҳрибон,
Дунёда йўқ ҳеч инсон.
